*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

2011 йил 13 октябрь, пайшанба
**41-(413)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Президентимиз асари моддий ва маънавий қадриятларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англашда беқиёс методик қўлланмага айланиши шубҳасиз

03 ЭЪТИРОФ



**2011** йилнинг ўтган даврида Сурхондарё вилоятида **215** гектар майдонда пакана ва ярим пакана ниҳоллардан иборат интенсив боғлар барпо этилди

05 ЖАРАЁН



Айни пайтда ер юзи аҳолисининг **1** миллиарддан кўпроғи эса оч-наҳор кун кечираётгани таъкидланаяпти

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ МАВҚЕИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

ТОШКЕНТДА **12** ОКТЯБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН VII ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ



Мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган жаҳон миқёсидаги йирик иқтисодий форумлардан бири — Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари» VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси очилди. Дунёнинг турли минтақаларидан пахта ва тўқимачилик саноати вакиллари, трейдерлар бу ерда нафақат ушбу тармоқларни ривожлантириш йўналишлари, жаҳон бозорларидаги нархлар конъюнктурасини муҳокама этиш, Ўзбекистонда миллий пахта мажмуининг имкониятларини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган самарали ишлар билан танишиш, балки ўзбек пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича бевосита шартномалар тузиш имкониятига эга бўладилар.

4►►

# Масъуллик шаҳодати



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАМДА «БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ O'ZLIDEP ВА УНИНГ ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА



O`zLiDeP ташаббуси билан ўтказилган «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ, божхона тузилмалари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш борасидаги устувор вазифалар» мавзуидаги семинарда айнан ана шу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мазкур фармон ва қарор кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермерлар учун ниҳоятда муҳим бўлиб, улар ижросини таъминлашда O'zLiDeP барча имкониятларни ишга солиши лозим. Шунинг учун ҳам партия ана шу муҳим ҳужжатлар матбуотда эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда Жамоатчилик кенгашини ташкил этиб, махсус чора-тадбирлар дастурини қабул қилди.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши йил сайин ошиб борди. Агар 1991 йилда хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 1 фоиз атрофида бўлса, бугун мазкур кўрсаткич қарийб 53 фоизга етди. Иш билан банд аҳолининг 74,5 фоизи шу соҳада банд экани эса хусусий секторнинг жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин тутаётганини кўрсатади.

2►►



# Истиқлол тарихининг энг ишончли манбаи

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА» НОМЛИ КИТОБИ **20** ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ДАВРИДА ЭРИШИЛГАН БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ ТУБ ИЛДИЗЛАРИНИ, ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯСИНИНГ РЕАЛ ТАРИХИЙ ЗАМИНДА ШАКЛЛАНИШ, РИВОЖЛАНИШ ВА АМАЛИЙ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ АНИҚ ДАЛИЛ ВА МИСОЛЛАР БИЛАН КЎРСАТИБ БЕРГАН НОЁБ АСАР СИФАТИДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ УЛКАН ВОҚЕА БЎЛДИ

Мазкур асарнинг энг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, унда халқимиз эркин ва озод ҳаёт йўлида асрлар давомида дуч келган, ечимини орзу қилган ҳаётий саволлар, жумбоқ ва муаммоларга аниқ жавоблар кўрсатилган. Истиқлол йиллари ҳаётимизни ўзгартиришга хизмат қилган кўплаб қонун, дастур ва ҳужжатларга, жамиятимиздаги янгича қарашларга асос бўлган концептуал ғояларни ўзида мужассам этган бу асар айни пайтда жамоатчилик томонидан истиқлолимиз тарихини ўрганиш бўйича энг ишончли ва ниҳоятда муҳим манба сифатида эътироф этилмоқда.

Жанр хусусияти ва мазмун-моҳияти, улкан далилий ва таҳлилий материалларни ўзида мужассам этганини инобатга олиб, ушбу китобни Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш остонасидаги даврини ҳаққоний ифодалаган, диалектик изчиллик асосида тузилган қомусий асар, деб аташ мумкин.

Маълумки, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёт йўли Юртбошимизнинг 19 жилдлик асарлар тўпламида ўзининг ҳар томонлама чуқур ифодасини топган. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби эса ана шу асарларнинг, умуман, бугунги ҳаётимиздаги жами моддий ва маънавий қадриятларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш ва тушуниб етиш учун беқиёс методик қўлланмага айланиши шубҳасиз.

Шу маънода ушбу китоб бугунги дориломон кунларимизни яқин ўтмишимизда рўй берган воқеалар билан қиёслаш, халқимизнинг энг янги тарихини асл манбалар асосида ўрганиш имконини бергани учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Унда мустақиллик осон ва ўз-ўзидан қўлга киритилмагани, унинг инъом этилмагани, балки Юртбошимиз томонидан амалга оширилган собитқадам ва сермашаққат фаолиятнинг натижаси экани кўплаб ҳаётий мисоллар асосида исботлаб берилган.

Халқлар ва давлатлар тарихида шундай даврлар бўлгани маълумки, бундай замонларда муайян тарихий жараёнлар натижасида баъзи мамлакатлар таназзулга, айрим давлатлар эса парокандаликка юз тутган. Собиқ иттифоқ умумий бўҳрон ҳолатига кирган, ундаги давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизимлар омонат бўлиб қолган XX асрнинг 80-йиллари бунга мисол бўлиши мумкин.

3►►

## ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛАЯПТИ

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ЯНГИ АВЛОД — **2011**» АНЪАНАВИЙ БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш, ўғил-қизларимизнинг қизиқиш ва интилишини қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йилдан-йилга иштирокчилари ва нуфузи ошиб бораётган "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

2►►

# Ақл-идрок ва мантиққа зид хатти-ҳаракатлар

ШУ КУНЛАРДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИГА ТОЖИКИСТОНДАГИ РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ ВА УШБУ ҚУРИЛИШНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСИНИ ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ АҲВОЛИ ТЎҒРИСИДА КЎПЛАБ МАЪЛУМОТЛАР КЕЛМОҚДА. БУ ЭКСПЕРТИЗА ЖАҲОН БАНКИНИНГ БУЮРТМАСИГА АСОСАН «КОИН ВА БЕЛЬЕ», «ELC ELECRTONCONSULT SPA», «IPA ENERGY+WATER CONSULTING» КОМПАНИЯЛАРИДАН ИБОРАТ ХАЛҚАРО КОНСОРЦИУМ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Тўғони дунёдаги энг баланд — 335 метр бўладиган Роғун гидростанциясини қурилиши қўшни давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятини катта ташвишга солаётгани туфайли ушбу қурилиш лойиҳасини холисона ва мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурати туғилди. Негаки, ўтган асрнинг 70-йилларида тайёрланган бу лойиҳа аллақачон эскирган, боз устига, ушбу қурилиш жойи сифатида Амударёнинг юқори қисмидаги 8-10 балли зилзилалар тез-тез рўй бериб турадиган тоғли зона танланган. Мазкур гигант комплекснинг бундай хавфли ҳудудда қурилиши бир қанча экологик, техноген ва иқтисодий муаммо ва офатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун жалб этилган Тожикистон ҳукумати ва давлат тузилмалари вакиллари билан ишлаш жараёнида консорциум мутахассисларини ҳайрон қолдирган таассурот пайдо бўлди. Тожикистон Республикаси раҳбарияти юқорида қайд этилган ташвишли далил-исботлар ва ишлаб чиқилаётган техник-иқтисодий асоснинг якуний хулосаларига қарамай, қайсарлик билан ҳаддан зиёд баланд тўғонли ушбу лойиҳанинг дастлабки концепциясини амалга оширишга уринишлардан ҳамон воз кечмаётир.

Иншоот қурилишини молиялаштириш масалалари, шунингдек, катта миқдорда маблағ сарфлашни талаб қиладиган мазкур қурилишни амалга ошириш имконини бермайдиган мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳвол Тожикистон раҳбариятини мутлақо ташвишга солаётгани йўқ. Мамлакатда техник-иқтисодий асоси ҳали охиригача етказилмаган ушбу лойиҳа катта чираниш билан тинимсиз тарғиб қилинмоқда.

2►►

## ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР

КОНЦЕПЦИЯ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА «АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРГА БИР ҚАТОР ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари»га бағишланган навбатдаги семинарда асосий эътибор нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг соҳани демократлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш масалаларига қаратилди.

3►►

БУГУНГИ СОНДА:

## ҲИСОБОТ НАТИЖАЛАР ҚОНИҚАРЛИ ЭМАСЛИГИНИ КЎРСАТДИ

Депутатлик назорати тартибида олиб борилган таҳлиллар айрим туманларда мелиорация ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Жумладан, Навбаҳор туманидаги «Мирза-Мўмин» хўжаликлараро коллекторини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари йиллик режага нисбатан **81** фоизга, ажратилган маблағни ўзлаштириш эса атиги **41** фоизга бажарилган, холос.

04►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 11 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ 1725,79 | 1 АҚШ доллари | ▲ 1754,21 | 1 Хитой юани | ▲ 276,20 | 1 Туркия лираси | ▲ 954,41 | 1 Япония иенаси | ▲ 228,62 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ 2739,20 | 1 Миср фунти | ▲ 294,28 | 1 Малайзия ринггити | ▲ 556,20 | 1 Швейцария франки | ▼ 1905,30 | 1 Россия рубли | ▼ 54,48 |
| 1 Дания кронаси | ▲ 317,79 | 1 Исландия кронаси | ▲ 14,98 | 1 Польша злотийси | ▲ 543,37 | 1 ЕВРО | ▼ 2336,88 | 1 Украина гривнаси | ▲ 220,03 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 477,63 | 1 Канада доллари | ▲ 1699,65 | 1 СДР | ▲ 2733,95 | 1 Жанубий Корея вони | ▲ 15,00 | | |

# Масъуллик шаҳодати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Мазкур фармон ва қарор эса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратиш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилгандир. Таҳлилчиларнинг фикрича, ушбу ҳужжатлар "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да қайд этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик роли ва аҳамиятини изчил оширишга қаратилган ўзгаришлар стратегиясининг мантиқий давомидир. Унда белгиланган комплекс чора-тадбирлар "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга, тадбиркорлик фаолияти учун янги, янада кенг имкониятлар яратишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Президентимиз фармони ва қарори талаблари яна бир карра хусусий сектор мавқеини мустаҳкамлаш ва унга зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишларимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев. — Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, хусусан, турли рухсат бериш тартибларини янада қисқартиришга доир қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорликда қонунларда акс этган меъёрларни ўз вақтида амалиётга жорий этишни назорат қилиш лозим. Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад ҳам



**Президентимиз фармони ва қарори талаблари яна бир карра хусусий сектор мавқеини мустаҳкамлаш ва унга зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишларимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.**

электоратимиз вакилларини давлат бошқаруви органлари билан ўзаро мулоқотга чорлаш орқали уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эшитиш ҳамда шу асосда керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари О.Рустамовнинг фикрича, Президент фармони асосида микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқарилган товарларини экспорт қилишдан тушган валютанинг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилиши, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб саноат соҳасига ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилиши хусусий секторнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Бинобарин, 2012 йилнинг ўзидагина мазкур фармон асосида 34,8 млрд. сўм миқдоридаги қўшимча маблағнинг саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар тасарруфида қолдирилиши кутилмоқда. Бу эса айланма маблағларни тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳозлаш ҳамда маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга йўналтирилади, албатта.



Давлат Божхона қўмитаси раиси ўринбосари Б.Раимов эса давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарори тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада либераллаштириш билан бирга уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилишини таъкидлади. Жумладан, «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорида акс эттирилган меъёрлар орқали товарлар, иш ва хизматларни экспорт қилувчи микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарга божхона ҳужжатларини расмийлаштиришда бир қатор енгилликлар берилмоқда. Эндиликда ана шундай мақомга эга бўлган корхоналарнинг экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш бевосита божхона постларида амалга ошириладиган бўлди. Товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғинларининг ўртача 2 мартага камайтирилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбирда, шунингдек, ишбилармон юртдошларимиз томонидан ниҳоятда муҳим, дея эътироф этилаётган мазкур фармон ва қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, тадбиркор ва фермерлар орасида кенг тарғиб қилиш, O`zLiDePнинг парламентдаги фракцияси орқали мулкдорлар манфаатларини ҳимоялашга доир қонунчиликни янада такомиллаштириш, депутатлик гуруҳлари билан жойларда қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси устидан кучли жамоатчилик назоратини ташкил этиш борасида қатор таклиф ва тавсиялар ҳам билдирилди.

— Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Н.Алимов. — Айни пайтда қуйи палатада такомилига етказилаётган «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларига ҳам Президентимиз фармони ва қарорида белгилаб берилган талаблар асосида хусусий секторнинг жадал ривожланишига тўсиқ бўлаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, соҳадаги рухсатномалар бериш тартибларини соддалаштириш билан боғлиқ нормалар киритилмоқда.

Амалий семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— 2012 йил 1 январдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкасининг 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши бизга 11 миллион сўм миқдоридаги маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда, — деди хусусий корхона раҳбари Б.Султонов. — Биз бу маблағни корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ва ишчи-хизматчиларимизни моддий рағбатлантиришга сарфламоқчимиз.

Давлат Солиқ ва Божхона қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотларнинг мутасаддилари иштирок этган семинарда партиянинг давлат идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш юзасидан тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

# Ақл-идрок ва мантиққа зид хатти-ҳаракатлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

Консорциум билан Тожикистон томони ўртасида тўғоннинг пойдеворини тупроқни зондлаш услубида текшириш бўйича жиддий келишмовчиликлар мавжуд. Дастлабки ўрганиш пайтида мавжуд ҳолатни янада синчковлик билан ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб этадиган жиҳатлар аниқланди. Жумладан, нураган ва мўрт зоналарнинг беҳад кўплиги сабабли ушбу участкани тоғ жинслари, сув сатҳи ва бошқа омиллар нуқтаи назаридан чуқурроқ ўрганиш мақсадида тўғон пойдеворининг қуйи ва устки қисмларини янада батафсил текшириш зарур.

**Бу мазкур мамлакат раҳбариятининг миллионлаб одамлар ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган фожиали оқибатларни эътиборга олмай, қандай йўллар билан бўлмасин, Роғун ГЭСи қурилишини амалга ошириш билан боғлиқ ғоя миясига ўрнашиб қолганининг яна бир исботидир.**

Халқаро экспертларнинг қатъий эътирозларига қарамай, экспертларнинг якуний хулосасини кутмасдан, шу йилнинг ўзида Роғун ГЭСи қурилишининг биринчи босқичини, яъни тўғоннинг 120 метрлик қисмини қуриш ва бу билан бутун халқаро ҳамжамиятни мураккаб аҳволда қолдириш истаги Тожикистон раҳбариятининг бошини айлантириб қўйган.

Халқаро консорциум вакиллари тўғон қуриладиган ернинг юза қисмида бир неча қудуқлар қазиш ва кавлаш пайтида олинган тоғ жинсларини механик синовдан ўтказишни талаб қилмоқда. Бу эса қурилажак пойдевор мустаҳкамлигини аниқлашнинг зарур шарти ҳисобланади.

«Барқи точик» ОАХК дастлаб мазкур ишларни консорциум мутахассисларининг ўтказишига қарши чиқди, аммо кейинчалик бу ишларни эронлик пудратчиларга топширишни таклиф этди. Бироқ, консорциум шартнома шартларини бажаришни ва ўз экспертларининг мазкур тадқиқотларда иштирок этишини талаб қилмоқда.

Тожикистон ҳукуматининг масалага бундай ёндашишининг сабаби, эронлик пудратчилар Тожикистон раҳбариятига маъқул келадиган хулосани беришига ишончи катта.

Тожикистон Республикасининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича асоссиз ва бир томонлама позицияси, Жаҳон банкининг лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси бўйича якуний хулосаларни олмагунча ГЭС қурилишини бошламаслик ва ҳеч қандай ишларни амалга оширмаслик зарурлиги тўғрисидаги тавсияларини Тожикистон томонининг бажармаётгани вазиятни янада мураккаблаштирмоқда ҳамда экспертизани давом эттириш мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўймоқда.

Маълумотларга кўра, Роғун ГЭСи қурилиши ишларини фаоллаштириш учун қўшимча ишчи кучини сафарбар этиш давом этмоқда. Ҳозир у ерда қарийб 2,5 минг киши қурилиш ишларига жалб қилинган.

Табиийки, Тожикистоннинг Жаҳон банки томонидан зиммасига холисона халқаро экспертиза ўтказиш вазифаси юкланган компанияларнинг оқилона далил-исботлари билан ҳисоблашмасдан бу лойиҳани амалга ошириш бўйича бундай агрессив ёндашуви ҳар қандай соғлом фикрли кишида таассуф уйғотади. Бу мазкур мамлакат раҳбариятининг миллионлаб одамлар ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган фожеали оқибатларни эътиборга олмай, қандай йўллар билан бўлмасин, Роғун ГЭСи қурилишини амалга ошириш билан боғлиқ ғоя миясига ўрнашиб қолганининг яна бир исботидир.

Юзага келган бундай қалтис вазиятда Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича аллақачон эскирган лойиҳани амалга ошириш ҳаддан ташқари фожеали оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги бир неча бор қатъий огоҳлантиришларни андишасизлик билан инкор этишга уринишлари, биринчи навбатда, Жаҳон банки ва халқаро ҳамжамият томонидан тегишли равишда баҳоланади, деб умид қиламиз. Зеро, рўй бериш эҳтимоли юқори бўлган фожеали воқеалар ҳеч қачон ҳақиқатга айланмаслиги керак.

(**«Правда Востока» газетаси,** 2011 йил 11 октябрь)

«Янги авлод — 2011»▼

# ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛАЯПТИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Маълумотларга кўра, мазкур фестивалнинг Бухоро вилояти туман ва шаҳар босқичларида қатнашиш учун ариза берган ёшлар ўтган йилга нисбатан 300 нафарга ортиб, 1640 нафарни ташкил этган. Уларнинг 218 нафари тадбирнинг вилоят босқичида олти йўналиш бўйича ўз маҳорати ва ижодий ишларини синовдан ўтказди.**

**Мухлислар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган тадбирда энг ёрқин истеъдод эгаларининг кашф этилиши фестивалнинг ўзига хос жиҳатларидандир. Фестивалда 21 якка иштирокчи ва учта жамоа ғолибликни қўлга киритиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.**

**— Устозим кўмагида фестивалга жиддий тайёргарлик кўрдим, — дейди Бухоро шаҳридаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби тарбияланувчиси Аҳмаджон Бекмуродов. — Мен ижро этган қўшиқ ҳакамлар томонидан юқори баҳоланганидан хурсандман. Мақсадим — фестивалнинг якуний босқичида ҳам совриндорлар қаторидан жой олиш.**

**Когон шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг "Камалак" гуруҳи жамоалар ўртасида ғолиб чиқди.**



**— Юртбошимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар туфайли мана шундай ютуқларга эришмоқдамиз, — дейди мазкур жамоа устозларидан бири Шабон Шодиева. — Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида ишлаб чиқилган дастурга биноан қурилган 150 ўринли янги замонавий бинога кўчиб ўтдик. Янги биномизда қатор қулайликлар яратилган. Жумладан, рақс зали, машғулот ва маҳорат оширишга мўлжалланган кенг ва ёруғ хоналар мавжуд. Булар мактабимизда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларга санъат сир-асрорларини пухта ўргатиш, янги-янги истеъдод соҳибларини кашф этишда қўл келмоқда. Мазкур фестиваль эса ўқувчиларга ўз санъати ҳамда қобилиятини кенг намойиш этиш учун катта имкониятлар яратмоқда.**

**Фестиваль доирасида ёшларнинг тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.**

Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири

# Сара уруғ — сифатли тола

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ИЗЧИЛ ЎСИБ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА, САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАКОМИЛЛАШИБ, АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ЮКСАЛАЁТИР**

**Дилором ЭСОНОВА,**
ЎзА мухбири

Бу борада хорижий инвесторларга қулай муҳит ва хўжалик юритувчи субъектлар учун бир қатор имтиёзлар яратилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Натижада маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўз сармояларини иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирмоқда. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

«CENTRAL ASIA SEED COMPANY» компанияси иқтисодий салоҳияти ва нуфузи жиҳатидан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида жойлашган мазкур корхона сифатли ва сара уруғ тайёрлаш, пахта тозалаш ва тола ишлаб чиқариш соҳасида катта тажриба тўплади. Бугунги кунда корхона асосан Сирдарё, Сайхунобод ва Боёвут туманларида етиштирилган пахтани қабул қилиб олмоқда. Ўтган йили бу ерда 5,5 минг тонна сифатли тола ишлаб чиқарилди. Фермер хўжаликларига 500 тонна «Бухоро-102», «Ан-Боёвут», «С-6524», «Омад», «Гулбаҳор», «Кўпайсин» сингари шўрга, сувсизликка чидамли, айни пайтда эртапишар ғўза навлари уруғлари етказиб берилди.

Бу йил корхонада 17 минг тонна пахта қайта ишланиб, сара уруғ тайёрланади.

— Тизимдаги қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола ва бошқа маҳсулотлар сифати яхшиланиб боргани сари иқтисодий самарадорлик ҳам ошмоқда, – дейди корхона бош директори Азизхон Аҳмедов. — Фермер хўжаликларида пахтачилик соҳасидаги илғор тажрибаларга қизиқиш катта. Шу боис ўзбек пахтасининг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Компаниямиз мазкур ярмаркада ҳар йили муваффақиятли иштирок этиб келаётир.

Ўз фаолиятини давр талаби асосида олиб бораётган «CENTRAL ASIA SEED COMPANY» компанияси пойтахтимизда давом этаётган VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида ўзининг сифатли пахта толаси билан иштирок этмоқда. Шубҳа йўққи, корхона толасининг юқори сифати хорижий саноатчиларнинг ҳам эътиборини тортади.

# Истиқлол тарихининг энг ишончли манбаи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Қиёмиддин НАЗАРОВ**

Айни пайтда инсоният тарихи яна шундай даврларнинг ҳам гувоҳи бўлганки, бунда буюк ишларга қодир халқлар ўз йўлбошчилари етакчилигида ниҳоятда қисқа муддатларда минг йилларда қўлга киритилиши мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу халққа мансуб бўлган буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга эса муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларини ана шундай даврга қиёслаш мумкин.

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидан ҳар икки даврнинг мазмун-моҳияти, бир-биридан фарқи, улар қиёфасини белгилайдиган жиҳатларга доир кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 1989 йилнинг 24 июнида бўлиб ўтган ва Фарғона водийси вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган Кенгашдаги Президент нутқидан бошланиб, Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясидаги (1992 йил 4 январь) маъруза билан ниҳояланган китобдаги воқеалар ривожи мазкур даврлар ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга асос бўлади.

Китобда Юртбошимизнинг асрий орзу бўлган миллий истиқлол мавзуига оид қарашлари, мустақиллик ғояси ва унга эришиш йўлидаги серқирра фаолияти, кўпмиллатли халқимиз тақдири ва келажагини ҳал этадиган энг муҳим масалалар, донишмандлик ва жасорат билан баён этилган концептуал ёндашувлар, фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Китоб билан танишар эканмиз, собиқ иттифоқ давридаги таназзулдан қутулиш, унинг оқибатларини бартараф этиш, халқимизни ўша таҳликали замонлардан бешикаст олиб чиқиш, янги даврга ўтишнинг сермашаққат ва мураккаб йўлидан собитқадамлик билан бориш учун қандай матонат, қанчалик кучли ирода зарур бўлганини ҳис этамиз. Шу маънода ушбу китоб собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнгги йилларидаги парокандаликнинг сабаб ва оқибатларини, жамият ва давлат қурилиши, фуқароларнинг яшаш тарзи ва фаолият мезонларини тоталитар мафкура манфаатларига мослаштириш, миллатлар ва халқларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмаслик, инсон қадрини менсимаслик оқибатида юзага келган зиддиятларни яққол кўрсатиб берган яхлит қомусий асар ҳамдир.

Унда муайян сиёсий кучлар ва гуруҳларнинг тараққиётга тўсиқ бўлиши, уларнинг жозибали шиорлар остида амалга оширган бузғунчи фаолияти янгиликнинг вужудга келишини қийинлаштириши, ҳаётий зиддиятларни чуқурлаштириб, жамиятни таназзулга олиб келиши мумкинлиги ҳам ҳаётий мисоллар асосида исботлаб берилган. Китобнинг ҳар бир саҳифаси бундай асоссиз уринишлар пировард натижада тараққиётнинг ўтмишдан келажакка томон қонуний боришини, тарихнинг ижтимоий ривожланиш тамойиллари билан ҳамоҳанг тарзда илгариланма ҳаракат қилишини, хусусан, Ўзбекистон халқининг истиқлолга эришиш, миллий давлатчиликни тиклаш ва мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашини ҳеч қачон тўхтата олмайди, деган қатъий ишонч ва аниқ позиция ўша даврдаёқ тўла-тўкис шаклланганидан далолат беради.

Бу борадаги қатъий позиция мустақилликка эришишдан анча илгарироқ, Ўзбекистон Компартиясининг 1990 йилнинг 4-5 июнида бўлиб ўтган XXII съездидаги Президентимиз нутқининг “Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан” деб номланган сўзбошисида қуйидагича ифодаланган: “Биз Ўзбекистон ССРнинг ҳақиқий сиёсий суверенитети, иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган йўлларни ва амалий ҳаракатларни белгилаб олишимиз керак...” Ушбу нутқнинг 5 қисми тўғридан-тўғри “Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети ҳақида” деб номланади ва унинг бошланишидаёқ бу борадаги мақсад аниқ-тиниқ баён қилинади: “Республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиёти ҳамда миллий муносабатлар муаммоларининг бутун мазмунини ҳал этишда, Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашда унинг ҳақиқий сиёсий ўзлигини таъминлашни энг муҳим бўғин, деб ҳисоблаймиз”.

Китобни диққат билан ўқир эканмиз, у қамраб олган ниҳоятда қисқа муддат, яъни бор-йўғи 2,5 йил давомида воқеалар ривожини олдиндан кўриб, ўз вақтида, ўз куни ва соатида зукколик билан қабул қилинган қанчадан-қанча ҳужжатлар, қарорлар, мураккаб вазиятларнинг ечимлари топилганига амин бўламиз. Бу тарихнинг бурилиш нуқталарида йиллар тақдирини дақиқалар, авлодлар умрини лаҳзалар ҳал қилишини, айнан ана шундай пайтларда воқеалар жараёнининг мантиғини чуқур англаб, зудлик билан қабул қилинган қарорлар, вазиятни тўғри баҳолаш асосида кўрилган кескин чоралар пировард натижа учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини яққол кўрсатади. Китобдан ўрин олган айрим ҳужжатлар ҳам бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Уларда “имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради” деган талабнинг белгилаб қўйилиши, мустақиллигимизнинг тақдири ҳал бўлаётган ўша даврда нафақат ойлар ва кунлар, балки соатлар, дақиқалар ҳам катта аҳамиятга эга бўлганидан далолат беради.

Ўша даврнинг мураккаблиги, зиддиятлари ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган ушбу китобда ҳаёт ва тараққиёт талабларига мослаша олмай қолган, халқнинг ишончини йўқотган тузумлар, давлатлар ва ҳокимиятларнинг ўз ўрнини бошқаларига бўшатиб бериши тарихий зарурият эканлиги билан боғлиқ қонуниятнинг мазмун-моҳияти ҳам ниҳоятда зукколик билан очиб берилган. Китобнинг 128-129-бетларида бу қонуният қуйидагича тавсифланган: “Барча замонларга ва халқларга хос бўлган энг асосий, энг муҳим, энг умумий мақсадни аниқлайдиган бўлсак, шуни тўла асос билан айтиш мумкинки, давлат пайдо бўлгандан буён инсон ўзининг хавфсизлигини ҳимоя қилишни, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишини давлатдан кутади, ҳокимиятдан нажот излайди. Ҳокимият шу табиий талабларга жавоб беролмаса, очиғини айтганда, бунақа ҳокимият ҳеч кимга керак бўлмайди... Одамларнинг ишончи ва эътиборидан маҳрум бўлиш ҳар қандай ҳокимият учун ҳалокатдир. Ҳамиша шундай бўлган, ҳаёт қонуни шундай!”.

Шу маънода мазкур асар қандай бўлмасин собиқ иттифоқни сақлаб қолиш, халқлар ва миллатларни асоратда тутиб туришни мақсад қилиб олган баъзи сиёсатдонларнинг хом-хаёлларига нисбатан, тарих ва тараққиёт бир текис оқадиган оддий ирмоқ эмас, балки унинг ўзига хос қонунлари, талаблари, ривожланиш мезонлари ва йўналишлари борлигининг яққол исботидир. Бу масалада муаллиф халқ хоҳиш-иродасининг замон силсилалари ҳамда турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар орасидан ўзига йўл очиб бориши, миллатлар тарихининг бундай илгариланма ҳаракати тараққиётнинг умумий қонунияти бўлиб, таназзул ва парокандаликка юз тутган жамиятдан янги даврга ўтиш, янги ҳаёт барпо этиш жараёнида ана шу қонуниятни теран англаш ва унинг талабларини ҳисобга олиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган.

Кейинги ўн йилликлар тарихи эса Президентимиз томонидан асосланган ва Ўзбекистон тараққиёти учун танлаб олинган тараққиёт йўли ва ривожланиш тамойилларининг мазмун-моҳиятини белгилаб берган ана шу қонуниятнинг ҳар қандай давлат ва жамият учун ниҳоятда муҳимлигидан далолат беради. Дунёнинг қатор давлатлари мамлакатимиз тараққиёт йўлини жиддий ўрганаётгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, юксак натижалар кўрсатаётган ривожланиш моделига қизиқиши тобора ортиб бораётганининг асл сабаби ҳам ана шунда.

Мустақиллигининг дастлабки йилларида ушбу қонуниятни тўғри англаб ололмаган, ўз мамлакати хусусиятлари ва халқи менталитетига таянмаган, четдан туриб бошқариладиган турли “моделлар”га ишонган баъзи давлатлар ва уларнинг сиёсатчилари ҳам бугун Ўзбекистон танлаган тараққиёт стратегиясини диққат билан ўрганаётгани бежиз эмас.

Ҳатто кейинги йилларда айрим давлатлардаги сиёсатчилар орасида бу қонуният ва уни амалга ошириш билан боғлиқ ғояларни ўз тафаккур маҳсули сифатида тақдим этаётганлар, мамлакатимизда салмоқли натижалар бераётган тараққиёт тамойиллари ва ривожланиш дастурларини ўзлаштираётганларига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Аммо тарих кимнинг аслида ким эканини, кимнинг кимдан андоза олаётганини, инсоният тараққиётига кимлар қандай ҳисса қўшаётганини одилона баҳолашига шубҳа йўқ.

**Кейинги йилларда айрим давлатлар сиёсатчилари орасида бу қонуният ва уни амалга ошириш билан боғлиқ ғояларни ўз тафаккур маҳсули сифатида тақдим этаётганлар, мамлакатимизда салмоқли натижалар бераётган тараққиёт тамойиллари ва ривожланиш дастурларини ўзлаштираётганларига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Аммо тарихнинг ким аслида ким эканини, кимнинг кимдан андоза олаётганини, инсоният тараққиётига кимлар қандай ҳисса қўшаётганини одилона баҳолашига шубҳа йўқ.**

Шу маънода китоб ҳар биримизни тарих ва келажак қаршисида масъулият ҳиссини сезиб яшашга, ўтмишга бефарқ бўлмасликка ўргатади. Халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийлик ришталарини кучайтириш учун мустаҳкам замин яратади, бу соҳада ҳам масалага янгича қарашни заруратга айлантиради.

Ушбу асарнинг чоп этилиши Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласини янада долзарб масала сифатида кун тартибига киритганини эса алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, тарихий тараққиётга формацион қараш барҳам топган бугунги кунда ҳам 1917-1990 йилларни “Ўзбекистоннинг янги тарихи” сифатида ўқитилиши, яъни собиқ совет даврига “янги тарих” деб қаралиши мантиқан тўғри эмас. Чунки метрополияда давлат тузумининг ўзгариши мустамлакачиликнинг асл моҳиятини ўзгартирмайди. Шу маънода мустақиллик тарихини муайян давр билан аташ лозим бўлса, унда ушбу тарихни ўз номи билан аталиши илмий-назарий ва мантиқий нуқтаи назардан тўғри бўлар эди.

Мамлакатимизнинг ҳақиқий янги тарихи халқнинг азалий орзу-умидларига эришиши билан боғлиқ улкан аҳамиятга молик ҳодиса сифатида 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни Ислом Каримов янги Ўзбекистон тарихини бошлаб берган санадан бошланиши лозим. Айнан ана шу пайтдан бошлаб халқимизнинг мустақиллик борасидаги орзу-умидлари, мақсад-муддаолари ифодаланган ғоялар жамиятимиз ҳаётининг устувор йўналишларига айланди. Боболаримизнинг эркин ва озод ҳаёт йўлида асрлар давомида дуч келган, ечимини орзу қилган саволлар, жумбоқ ва муаммоларга жавоблар аниқ ифодасини топди.

Мазкур китоб ўша давр воқеаларидан етарлича хабардор бўлмаган янги авлод вакилларининг унга бўлган қизиқишни янада ошириши табиий, албатта. Бу эса “Ўзбекистон тарихининг изоҳли атамалар луғати” ҳамда “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси”ни тайёрлашни янада долзарб масалага айлантирди. Зеро, Юртбошимиз асарлари асосида тайёрланаётган “Мустақиллик фалсафаси” ўқув мажмуаси ва “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Маънавият асослари”, “Миллий истиқлол ғояси”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” каби ижтимоий фанлар бўйича ўқув-услубий қўлланмалар, кўргазмали воситалар, электрон адабиётлар, модуллар, интерактив машқлар ва амалий машғулотлар тўпламларининг янги авлодини яратишни ниҳоятда муҳим вазифага айлантирди.

Бугунги кунда бу борадаги энг долзарб вазифамиз, шубҳасиз Юртбошимизнинг мазкур асарини чуқур ўрганиш, ундаги асосий ғоя ва қарашларни, тарихий жараёнлар ҳақидаги таҳлил ва хулосаларни аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тарғиб ва ташвиқ этишдан иборат. “Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги доимий Республика илмий-амалий семинари ва O`zLiDeP сиёсий таълим тизимига мўлжалланган махсус ўқув курси дастури ҳам айнан ана шу мақсадларга қаратилган. Ўз навбатида, бу китобда баён этилган асосий ғоялар ва тарихий жараёнлар ҳақидаги таҳлил ҳамда хулосаларни ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирларни уюштиришга ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг ушбу асари маънавият ва маърифат жабҳаси фаоллари, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчи ва изланувчилар, хуллас, ҳар биримиз учун дастуриламалга айланиши шубҳасиз.

Бу эса мустақилликнинг қандай бошланганини, уни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш учун қандай сабот ва матонат керак бўлганини чуқур англаш, ана шу йўлда фаол ва собитқадам бўладиган ёш авлодни тарбиялашда зиммамизга улкан масъулият юклайди.

# Тўртинчи ҳокимиятга бирламчи эътибор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄



O`zLiDeP фракцияси аъзоси, қўмита раиси А.Жўрабоевнинг таъкидлашича, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада ошириш бугунги кунда ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Маълумки, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди сингари бир қатор ташкилотлар фаолияти айнан ана шу мақсадга қаратилган. Натижада кейинги йилларда босма ОАВ 1,5 баробар, электрон ОАВ эса 7 баробарга кўпайди. Айни пайтда телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи, матбуот нашрларининг 60 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил қилмоқда.

Семинарда нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, соҳага бозор механизмларини кенг жорий қилиш, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг меъёрий базасини мустаҳкамлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаменти шўъба мудири Умиджон Аъламов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори ўринбосари Рўзмат Сафоев, Интеллектуал мулк агентлиги Бош директори ўринбосари Зайниддин Ғиёсов иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил ахборот бердилар.

Семинарда алоҳида таъкидланганидек, Концепцияда таклиф этилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, айни пайтда тегишли вазирлик ва идоралар, соҳа экспертлари ҳамда кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда. Ушбу қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши, табиийки, амалдаги қонунларга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этмоқда. Ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга 16 та ўзгартиш ва 4 та янги модда, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунга 6 та ўзгартиш ва 2 та янги модда киритиш таклиф этилаяпти.

— Янги қонун лойиҳалари ахборот бозори иштирокчилари фаолиятининг самарадорлигини кучайтириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Чунки ҳар қандай жамиятда ОАВ мамлакат тараққиётининг кўзгуси, одамлар онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлиб хизмат қилган ва шундай бўлиб қолади. Бугун шиддат билан ўзгариб борётган глобаллашув замонида эса оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Семинар якунида билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

## 70 ФОИЗИ — ЭКСПОРТГА

«Uz-Техасо» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси Болгариянинг «Prista Oil Group» компанияси билан ҳамкорликда қадоқланган синтетик мотор мойларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. UzDaily.uz сайтидан хабар қилинишича, 1997 йили ташкил этилган ва жорий йилда мамлакатимизда «Prista Oil Group» компаниясининг юқори сифатли синтетик мойлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун лицензия олган қўшма корхона томонидан шу кунгача «Prista Ultra 5W40» номдаги синтетик мойнинг 10 минг тоннадан иборат биринчи партияси истеъмолчиларга етказиб берилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йиллар давомида «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекистон ҳаво йўллар» МАК, «СамАвто», «Ўзбеккўмир» АЖ, «Тошшаҳартранс» уюшмаси каби йирик компания ва ташкилотларни ўз маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган «Uz-Техасо» ҚК 2012 йилда қарийб 5 млн. литр синтетик, яримсинтетик ҳамда юқори сифатга эга маъданли мотор мойларини ишлаб чиқаради.

Аҳамиятлиси, қўшма корхона маҳсулотларининг 70 фозини (ойига 3 минг тонна) Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларига экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

## «ОЙБЕК ҚУРБОНОВ» «ФИТО» БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛМОҚДА

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги «Ойбек Қурбонов" фермер хўжалиги аъзоларининг ўзига хос тажрибалари кутилганидан ҳам яхши натижа берди. Бу ерда етиштирилган испан маккажўхорисининг 5 та гибрид навидан ўртача 120 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиниб, салкам 10 тонна хирмон кўтарилди. Тажрибада Испаниянинг "Фито" фирмаси вакиллари 8 гектар ерни шудгорлашдан тортиб барча агротехник тадбирларни ўтказишда иштирок этдилар. Эндиликда фермер хўжалигида боқилаётган 40 бош чорва моли учун озуқа масаласида ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

# ИСЛОҲОТ

web sayt: www.21asr.uz

## Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозоридаги мавқеи тобора юксалмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Анна ИВАНОВА,**
ЎзА мухбири

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида ушбу тадбир мамлакатимиз тарихидаги шонли сана – мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг нишонланаётган йилда ўтказилаётгани рамзий маънога эга экани таъкидланди. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг изчил ривожланиши Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг «ўзбек модели» нечоғли самарали ва тўғрилигини яққол намоён этмоқда. 20 йил давомида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти харид қобилияти паритети бўйича 3,5 баравар, саноат маҳсулотлари ҳажми 3 баравар, экспорт ҳажми қарийб 30 баравар ошди. Ўзбекистон жаҳон хўжалик муносабатларида ўз иштирокини изчил кенгайтирмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини ва ташқи салбий таъсирларга бардошлилигини намоён этди. Ўз вақтида ишлаб чиқилган ва аниқ мақсадларга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши эса ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини берди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8-9 фоизни ташкил этмоқда ва бу тенденция жорий йилда ҳам давом этмоқда. Шуниси эътиборлики, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, биринчи навбатда, ички ва ташқи бозорларда харидоргир, шу жумладан, пахтачилик ҳамда мазкур соҳа билан боғлиқ қайта ишлаш тармоқларида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобидан оширилмоқда. Мазкур тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида энг юксак талабларга жавоб берадиган пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва сотиш бўйича замонавий комплекс ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда, қатор янги қонунлар ишлаб чиқилиб, уларнинг айримлари парламент томонидан қабул қилинди. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши эса, жумладан, пахта толасини ишлаб чиқариш, ундан маҳсулот тайёрлаш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бўлиб, пахтани экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради. Энг юксак стандартларга жавоб берадиган ўзбек пахта толасига бўлган талаб муттасил ошиб бораётир. Мамлакатимиздаги шериклари билан мавжуд амалий муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва янгиларини ўрнатишдан манфаатдор бўлган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг иштирокчилари сони ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, 2005 йилда ташкил этилган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан қарийб 170 трейдер ва тўқимачилик компаниялари қатнашган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 300 га яқинлашди. Бу йилги, еттинчи ярмаркага эса дунёнинг турли минтақаларидаги 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ошиқ вакили ташриф буюрди. Шуниси эътиборлики, пахта етказиб бериш жуғрофияси дунёнинг янги-янги минтақалари ҳисобидан тобора кенгаймоқда. Жумладан, тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиши ортмоқда.

— Жаҳон пахта бозоридаги талаб ва таклифнинг кўп йиллик таҳлили Ўзбекистон ушбу бозорнинг энг йирик иштирокчиларидан бири эканидан далолат беради, — дейди Халқаро пахта ассоциацияси президенти Р.Батлер. — Мамлакатингизнинг бу борадаги салоҳияти янада ортиб бораётир. Изчил ислоҳотлар жараёнида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзбек толаси истеъмолчиларининг кенг кўламли эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Ўзбекистонда тола ишлаб чиқариш билан бирга тўқимачилик саноати ҳам ривожланмоқда. Бу юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган жуда тўғри ва пухта ўйланган ёндашув бўлиб, миллий иқтисодиёт самарадорлигини янада ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни сотиш бозорларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилган. Мамлакатимизда тўқимачилик саноати жадал ривожланмоқда. Бугун Ўзбекистонда далаларимизда етиштирилган пахтадан кўплаб турдаги юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Ўтган ярмаркада тола харидига оид шартномалардан ташқари, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд битимлар имзолангани ҳам бунинг яққол далилидир. VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида мамлакатимиз тўқимачилик саноати янада кенг намойиш этилмоқда.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, четдан олиб келинадиган эмас, балки маҳаллий хомашёга асосланган тўқимачилик саноати бизнеснинг энг фойдали йўналишларидандир. Шу боис хорижий ишбилармон доиралар вакиллари




Ўзбекистон тўқимачилик саноатига инвестиция сарфлашдан манфаатдордирлар. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада қарийб 150 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

— Компаниямиз дунёнинг 4 қитъасидаги 17 мамлакатда фаолият юритмоқда, — дейди «Индорама Групп» компанияси вице-президенти П.Керживал. — Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида «Индорама Кўқон текстиль» масъулияти чекланган жамияти корхонасини ташкил этишга инвестиция сарфладик ва унинг фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз. Бугун ушбу корхонада ишлаб чиқарилган йигирилган ип Европа, Осиё ва Лотин Америкасининг 11 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Мамлакатингизда малакали кадрлар, мустаҳкам ишлаб чиқариш базаси, яхши йўлга қўйилган замонавий инфратузилма мавжудлиги ва дунёдаги энг аъло навли пахта толаси етиштирилиши Ўзбекистонда бизнес юритишнинг муҳим афзалликларидандир. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик биз учун жуда фойдали ва уни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Ўзбекистонда пахтачилик экин майдонларини кенгайтириш ҳисобидан эмас, балки илғор жаҳон тенденциялари ҳисобга олинган ҳолда, агротехнологияларни такомиллаштириш, пахта навларини яхшилаш ҳамда пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш ҳисобидан ривожлантирилмоқда. Бугун мамлакатимизда зараркунандаларга чидамли ҳамда республикамиз ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил, толаси узун ва тоза кўплаб пахта навлари етиштирилмоқда. Жорий йилда етиштирилган ҳосилнинг 97 фоиздан ортиғини «олий» ва «яхши» навли тола ташкил этади. «Олий» навли ўзбек пахтаси жаҳон бозорида талаб этиладиган ва асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган микронейр даражаси бўйича жуда харидоргир ҳисобланади.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи директори А.Гитчунс бугун толанинг сифати кўп жиҳатдан пахтани етиштиришда унинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириб, сарф-харажатларни камайтириш имконини берадиган янги технологияларни қўллаш билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Ўзбекистонда бундай замонавий инновация услубларидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бу ўз самарасини бермоқда — сотувга қўйилаётган ўзбек пахтаси юқори ликвидлиги билан ажралиб туради ва жаҳон бозорларида унга бўлган талаб тобора ортиб бораётир.

Ўзбекистонда бундай пахтани етиштириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ва чуқур ўйланган сиёсат амалга оширилмоқда. Фермерлар энг яхши навли уруғлик, техника ва технологиялар, зарур материаллар билан таъминланмоқда. Уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун имтиёзли банк кредитлари ажратилмоқда, бошқа преференциялар яратилган. Деҳқонларимиз ўзини ҳақиқий ер эгаси деб ҳис қилмоқда ва ўз меҳнати натижаларидан юксак манфаат кўрмоқда. Бу комплекс чора-тадбирларнинг барчаси ўз самараларини бераётир ва ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ёрқин намоён бўлмоқда.

Бу ерда жорий мавсумда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг 800 дан ортиқ намунаси қўйилган. Сотувга қўйилган ҳар бир той пахта «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан берилган сертификатга эга. Пахта толасини текшириш учун HVI юқори технологик тизимлардан фойдаланилмоқда. Зеро, марказнинг барча ҳудудий лабораториялари ушбу замонавий тизим билан жиҳозланган. Шуни айтиш жоизки, пахта етиштирадиган давлатларнинг кўпчилигида бундай замонавий ускуналар ҳали мавжуд эмас. Бугунги кунда фақат уч мамлакат — Ўзбекистон, Хитой ва АҚШда HVI технологияси асосида тола тўлиқ текширилади.

Ўзбекистоннинг хорижлик ҳамкорлари нафақат пахтамиз ва ундан тайёрланган товарлар сифатини, балки уларни харид ва транспортировка қилиш учун яратилган қулай шароитларга ҳам юксак баҳо бермоқда. Мамлакатимизда жаҳон нархлари конъюнктураси ва уларнинг ўзгариши инобатга олинган ҳолда, мослашувчан нарх сиёсати амалга оширилмоқда. Юкларни етказиб бериш ва транспортировка қилиш кафолатланган. Бунда замонавий логистика тизимининг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур тизим 22 ҳудудий пахта терминали, сотиб олинган тола миқдорини мавжуд транспорт йўлаклари бўйича белгиланган жойга етказиб берадиган транспорт инфратузилмасини ўз ичига олган. Ушбу йўлаклар тармоғи Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик қилишдан манфаатдор кўплаб етакчи халқаро логистика марказлари иштирокида мунтазам кенгайтирилмоқда.

Ярмарканинг очилишида сўзга чиққан иштирокчилар буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан комплекс ёндашув асосида босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат самараларидан эканини ва бу миллий иқтисодиётимизнинг янада ривожланишида ҳамда рақобатдошлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. Чунончи, Тианжин пахта биржаси директори Би Южуан (Хитой), Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари федерацияси бош директори К.Шиндлер, "Cotton Bangladesh" халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан ва бошқалар ўз салоҳиятидан самарали фойдаланаётган Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўзаро манфаатли асосда қурилаётгани ҳамда бу ҳамкорлик улкан ривожланиш истиқболларига эга эканини алоҳида қайд этдилар.

Бундан ташқари, ярмарка қатнашчилари пойтахт вилоятидаги Янгийўл пахтани қайта ишлаш заводи, "Тошкент-тола" пахта терминали, «Ўзтекс» қўшма корхонасига ташриф буюриб, иқтисодиёт соҳасидаги, шу жумладан, замонавий пахта бизнеси инфратузилмасини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда эришилаётган ютуқлар билан бевосита танишадилар.

Ярмарканинг дастлабки кунида ўзбек пахта толасининг истеъмолчи мамлакатлари делегациялари билан музокаралар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз тола ишлаб чиқарувчилари ва ташқи савдо компаниялари вакиллари ҳам иштирок этган ушбу тадбирларда нафақат бу йилги, балки келаси йилларда етиштириладиган ҳосилни ўз ичига олган харидлар ҳажми муҳокама этилди.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси жаҳон пахта бизнесидаги йирик воқеалардандир. Бу халқаро хўжалик муносабатларида мамлакатимизнинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётгани, амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

## Ҳисобот натижалар қониқарли эмаслигини кўрсатди

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ «ҚУЙИ ЗАРАФШОН ГИДРОГЕОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ» РАҲБАРИНИНГ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Навоий вилоятида ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури» муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Қишлоқ мулкдорлари учун ниҳоятда қулай шароитлар яратишни назарда тутувчи дастурда вилоятлар ва туманлар кесимида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг аниқ муддатлари ҳам белгилаб берилган. Депутатлик гуруҳи йиғилишида «Қуйи Зарафшон гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси» раҳбари Алишер Рашидов ана шу дастурнинг 2010 ва жорий йилнинг биринчи ярмидаги ижроси бўйича батафсил ахборот берди.

Унда 2010 йилда мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича вилоятда 8 та лойиҳа амалга оширилгани натижасида 64,5 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 2 та насос станцияси ҳамда 4 та мелиоратив қудуқ қурилгани таъкидланди. Бунинг учун 1 млрд. 681 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланди. Айни пайтда мелиоратив объектларни тиклаш ва таъмирлаш ишлари ҳам белгиланган муддатларда олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йили жами узунлиги 494,9 километрдаги коллектор-дренаж ва 81 та кузатув қудуғини таъмирлашга 1 млрд. 614 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 478 млн. сўмга кўпдир.

Давлат дастурида белгиланган тадбирлар 2011 йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, йил охиригача умумий қиймати 7 млрд. сўмлик 19 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. 11 та объектда қурилиш ва реконструкция, 8 объектда эса тиклаш-таъмирлаш ишлари бажарилади. Шу кунгача 9 та лойиҳа экспертизадан ўтказилиб, тендер савдолари орқали пудратчи ташкилотлар аниқланган. Улар томонидан 64,4 коллектор-дренаж тармоқлари, 3 та насос станцияси, 23 та тик-дренаж қудуғини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Алишер Рашидовнинг таъкидлашича, 2007 йилга қиёслаганда вилоят ҳудудидаги ўрта шўрланган ерлар 5,7 минг гектарга, кучли шўрланган майдонлар эса 2,7 минг гектарга камайган. Туманлар кесимида таҳлил қилинса, ўрта шўрланган ерлар Карманада 1,3 минг, Қизилтепада 1,8 минг, Навбаҳорда 2,1 минг, Хатирчида эса 0,5 минг гектарга камайгани маълум бўлади. Ҳисоботда, шунингдек, давлат дастури амалга оширила бошланганидан буён жами 63 минг гектардан зиёд ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшилангани айтиб ўтилди.

— Бироқ бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганига қарамай, дастур ижросини таъминлашда сусткашликларга ҳам йўл қўйилмоқда, — деди халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Акмал Халилов. — Депутатлик назорати тартибида олиб борилган таҳлиллар айрим туманларда мелиорация ишлари талаб даражасида ўтказилмагани боис ерларнинг шўрланиш даражаси меъёридан юқорилигича қолаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, Навбаҳор туманидаги "Мирза-Мўмин" хўжаликлараро коллекторини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари йиллик режага нисбатан 81 фоизга, ажратилган маблағни ўзлаштириш эса атиги 41 фоизга бажарилган, холос. Масаланинг долзарблиги инобатга олиниб, давлат бюджетидан маблағ ажратилса-ю, жойлардаги мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ўз вазифасига бундай масъулиятсиз ёндашувини қандай изоҳлаш мумкин?!

— Депутатлик гуруҳи йиғилиши кун тартибига «Қуйи Зарафшон гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси» бошлиғининг ҳисоботи киритилгани бежиз эмас, — дейди вилоят кенгаши депутати Шавқиддин Жамолов. – Зеро, Навоий вилоятида шўр сувларни қочириш, зовур ва коллекторларни ўз вақтида тозалаш ишлари билан айнан ана шу ташкилот шуғулланади. Партиямиз электорати бўлган фермерларнинг самарали фаолияти, шубҳасиз, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Йиғилиш иштирокчилари Кармана туманидаги «Жанубий» ва «Бозоржой» зовурларининг айрим қисми ҳалигача қамишлардан тўла тозаланмагани, қазилган ерлардан чиқарилган тупроқ эса вақтида текисланмагани боис яна зовурга тушаётганига ҳам эътибор қаратдилар. Шунингдек, депутатлар «Дўрмон» ва «Нарпай» хўжаликлараро коллекторидаги қайта қуриш ишлари талаб даражасида бажарилмаганини, бу ҳудудда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари учун қатор ноқулайликлар келтириб чиқараётганини таъкидладилар. Вилоят кенгаши депутатлари Муҳайё Урчинова, Гулшан Бобоқулова, Аслам Исломов, Сабоҳат Раҳимова, O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Камол Юлдашев ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ишларнинг сифатини ошириш лозимлигига эътибор қаратдилар.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама этилган масаланинг долзарблигини инобатга олиб, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар юзасидан «Қуйи Зарафшон гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси» раҳбари ҳисоботини халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, депутатлик гуруҳи йиғилишида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг Навбаҳор, Конимех туманлари ва Навоий шаҳридаги ижроси юзасидан депутатлик назоратини ташкил этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилиб, назорат-таҳлил фаолиятини олиб борувчи ишчи гуруҳи тузилди.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!
ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Г уй.
Тел.: 8 (371) 265-80-48, 265-73-17. E-mail: depotat.uz@rambler.ru

# Сурхондарё тажрибаси

**2011 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА 215 ГЕКТАР МАЙДОНДА ПАКАНА ВА ЯРИМ ПАКАНА НИҲОЛЛАРДАН ИБОРАТ ИНТЕНСИВ БОҒЛАР БАРПО ЭТИЛДИ**

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Айни пайтда Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида реал натижа бераётган бундай изланиш ва интилишлар соҳа мутахассислари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Бу эса Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳар қадамда кўзга ташланаётганидан далолатдир.

Ҳақиқатан ҳам, Сурхондарёда замонавий корхоналар барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар янги иш ўринлари яратиш ҳамда бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш имконини кундан-кунга оширмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилнинг ўтган 8 ойида манзилли ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 40,3 млрд. сўм ва 5,1 млн. АҚШ долларига тенг 222 та лойиҳа амалга оширилган. Бу кўрсаткич тармоқлар кесимида таҳлил қилинса, озиқ-овқат соҳасида 16,7 млрд. сўм ва 1,5 млн. долларлик 94 та лойиҳа, ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 6 млрд. сўм ва 3,4 млн. доллар миқдорида 23 та, қурилиш материаллари ва мебель тайёрлаш бўйича умумий қиймати 8,7 млрд. сўмга тенг 55 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида эса 8,8 млрд. сўмлик 50 та лойиҳа амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.

Мавжуд хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида Термиз шаҳридаги «Ново-Фарм» қўшма корхонасида таблетка ва капсула шаклидаги дори воситалари, «Шаршара Файз» хусусий фирмасида полипропилен қоплар, «Бойсун тери» МЧЖда чарм, Денов туманида пеноплитка, Сариосиёда эса техник кислород тайёрлаш йўлга қўйилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига мувофиқ, январь ва август ойларида 246 та савдо, умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 378 тани ташкил қилди.

«Inter Silk Pro» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида эса энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар ўрнатилиб, йилига 220 тонна қуруқ пиллани қайта ишлаш ва 55 тонна ипак олиш имконияти яратилди. Айни пайтда 1,2 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилган мазкур корхонада йилига 1,5 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Ҳозирнинг ўзида 2012 йилги маҳсулот учун Ҳиндистон, Хитой ва Озарбойжондан буюртмалар туша бошлади.

— Ушбу корхона мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ишга туширилди, — дейди муассислардан бири — «Саховат ипак сервис» МЧЖ директори, O`zLiDeP аъзоси Баҳром Шарипов. — Натижада 120 та янги иш ўрни яратилди. Замонавий дастгоҳларга техник хизмат кўрсатадиган 12 нафар ёш мутахассис уч ой давомида Хитойда малака ошириб қайтди. Ишчилар бепул овқат, транспорт хизмати ва ётоқхона билан таъминланганлар. Уларнинг ойлик маоши эса маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигига қараб белгиланмоқда.

O`zLiDeP аъзоси истиқлол байрамига тўёна сифатида Термиз шаҳрида муҳташам «Истиқлол» тантаналар уйини ҳам бунёд этди. 500 кишига мўлжалланган иншоотнинг пастки қаватларида компьютер саводхонлиги курси, тўй либослари салони, мини-маркет, кимёвий тозалаш хонаси, кафе-бар очилиши туфайли яна 60 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи муттасил ошиб бораётган бир шароитда Сурхондарёда нархлар мутаносиблигини таъминлаш мақсадида чорва молларидан ташқари балиқчилик, асаларичилик ва паррандачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўзида вилоятда 70 та балиқчилик хўжалиги (171 та янги иш ўрни), 19 та асаларичилик (27 та янги иш ўрни) ва 34 та паррандачилик хўжалиги (74 янги иш ўрни) ташкил этилди.

Туркия ва Сербия технологияси асосида интенсив боғлар яратилаётгани эса Сурхондарёда бу борада ўзига хос тажриба мактаби шаклланаётганидан далолат бермоқда. Мисол учун, 2011 йилда жами 215 гектар майдонда пакана ва ярим пакана ниҳоллардан иборат интенсив боғлар яратилди. Бу режадагидан 32 гектар кўпдир. Интенсив боғларнинг афзаллиги шундаки, ерга қадалган кўчат иккинчи йилиёқ ҳосил бера бошлайди.







«Inter Silk Pro» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар ўрнатилиб, йилига **220** тонна қуруқ пиллани қайта ишлаш ва **55** тонна ипак олиш имконияти яратилди. Айни пайтда **1,2** млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилган мазкур корхонада йилига **1,5** млн. долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Ҳозирнинг ўзида **2012** йилги маҳсулот учун Ҳиндистон, Хитой ва Озарбойжондан буюртмалар туша бошлади.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги «2011-2015 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига вилоятда алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжатга асосан Сурхондарёда умумий сиғими 9500 тонналик янги совутгичлар қуриш ва мавжудларини замон талаблари даражасида реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг дастлабкиси – Термиз туманидаги «UNIGREEN» масъулияти чекланган жамиятида ишга туширилди.

Етти камерали, жами 3000 тонна маҳсулотга мўлжалланган мазкур совутиш омборига ҳозирнинг ўзида 160 тонна олма, 100 тонна узум сақлаш учун қўйилди. Айни пайтда вилоят фермерларидан ҳўл мева ва сабзавот маҳсулотларини қабул қилиш, саралаш ҳамда совутгичларга жойлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Мутахассислар декабрь ойида умумий қиймати 1650 минг АҚШ долларига тенг бўлган 1000 тонна маҳсулотни Норвегия, Жанубий Корея, Германия ва Россияга экспорт қилиш бўйича шартномалар имзоланганини таъкидламоқдалар.

— Корхонамиз «Учқизил» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Паррандачилик» маҳалласида жойлашган 1464 квадрат-метрлик бўш турган бинода ташкил этилди, — дейди «UNIGREEN» МЧЖ Бош директори Мавлон Чориев. – Бу ерда Туркиядан келтирилган замонавий жиҳозлар ўрнатилиб, 25 та янги иш ўрни яратилди. Қувватимиз ошгани сайин яна 45 нафар йигит-қизни ишга олишни мўлжаллаяпмиз.

Сиз суратда кўриб турган интенсив боғ эса Денов туманида жойлашган бўлиб, усти махсус тўр билан ёпиладиган ва умумий майдони 20,6 гектар боғ «SAVB» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорларининг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган. Соҳа мутасаддилари бу ерга «Фужи», «Голден» ва «Топред» навли жами 35 минг туп олма ниҳоли ўтказилганини таъкидламоқдалар.

— Боғнинг усти бежиз махсус тўр билан ёпилмайди, — дейди жамият бошқаруви раиси Баҳодир Аҳмедов. — У, биринчидан, баҳор мавсумидаги ёмғир ва жаланинг ерга тушиш тезлигини камайтириш ҳисобига гул тўкилишидан асраса, иккинчидан, ёз ҳароратидан мевани ҳимоя қилиб, унинг бир хил рангда пишишини таъминлаб беради. Боғнинг томчилатиш усулида суғорилиши эса ортиқча харажатларни камайтиради.

Сурхондарё сафаридан қайтар эканмиз, кейинги йилларда, айниқса, Термиз шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, шаҳар қиёфасининг тубдан ўзгаргани эътиборимизни тортди. Янгидан қад ростлаган улкан бино ва иншоотлар юртдошларимизга яхши кайфият бағишлаётганига амин бўлдик. Зеро, Сурхон аҳлининг бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизга шукрона қилиб, эртанги кунга катта ишонч билан қараётганлари бежиз эмас.

ислоҳот ▼

# Тўраев ҳокимга қариндошмиди?

**РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ВАКИЛЛАРИ ҲАЛИГАЧА АЙРИМ ҲУДУДЛАРДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР**

**Ориф Ўлмасов,**
«XXI ASR»

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида Гулистон шаҳрида «Ягона ойна» консалтинг марказининг иш бошлагани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳақиқий совға бўлди, — дейди ССП Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳусниддин Манноов. — Шаҳар ҳокимлиги биносининг биринчи қаватида иш бошлаган марказ замонавий жиҳозлар билан таъминлангани эса мурожаатларни тез ҳал этиш имконини яратди.

Айни пайтда худди шундай марказлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам ташкил этилмоқда.

Маълумки, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш палата фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шу боис ташкилот ўз аъзолари манфаатини ифода этишга алоҳида эътибор қаратаяпти. Жумладан, шу кунгача Савдо-саноат палатаси мутахассислари жами 154 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикасининг «Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонунида белгиланган ваколатлар доирасида эса 2011 йилнинг 9 ойида режали текширишга тушган 80 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларида мониторинг ўтказилди. Ҳудудий бошқарманинг «ишонч телефонлар»и ҳам тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Ҳудудий бошқарма қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши ҳамда унинг туман, шаҳарлардаги бўлимлари эса тадбиркорлар ва янгидан иш бошламоқчи бўлганлар мурожаатларини ўрганиб, уларга бепул хизмат кўрсатаяпти.

Ҳар ҳафтада туман, шаҳар ҳокимликларида, ойда бир марта вилоят ҳокимлигида «Тадбиркорлар куни» ўтказилаётганини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳам алоҳида таъкидламоқдалар.

Бошқарма томонидан жорий йилнинг 9 ойида судларга киритилган 5,3 млрд. сўмлик 504 та даъво аризасининг 380 таси кўриб чиқилгани ҳам Сирдарёда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Масалан, тадбиркор Шерали Ҳакимовга Сайхунобод туман ҳокими томонидан савдо дўкони учун ер ажратиш тўғрисида ўз вақтида қарор қабул қилинмагани туфайли унга берилиши лозим бўлган ер майдони ҳеч қандай ариза билан мурожаат қилмаган фуқаро Лапас Тўраевга бериб юборилган. Вилоят адлия бошқармаси аралашуви билангина тадбиркорнинг қонуний манфаатлари тикланди. Аммо Ш. Ҳакимов ҳалигача ўз ишини бошлай олмай, судма-суд овора бўлиб юрибди. Чунки туман суд ижрочиларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан Ш. Ҳакимовнинг дўкони бузиб ташланган. Оқибатда, ҳар икки тадбиркор ўртасида низо келиб чиққан. Бироқ бунга асосий сабабчи бўлган туман ҳокимлиги масъулларига ҳеч қандай чора кўрилмаган.

Худди шунингдек, Сирдарё туманидаги тадбиркор Эсанбой Ибрагимов томонидан бир йил мобайнида қурилган савдо дўконининг бузилиб кетишига туман Ёнғин хавфсизлиги бўлимининг 3 кун ичида икки хил — дастлаб ижобий, сўнгра салбий хулосаси сабаб бўлган.

Бундай ҳолатлар ҳалигача айрим ҳудудларда тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнини англаб етмаётган раҳбарлар борлигини кўрсатиб қўймоқда.

Лекин шунга қарамай, Сирдарё вилоятидаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, тезкор давр талабларини чуқур англаб етган ҳокимлик ва идоралар вакиллари томонидан хусусий сектор эгалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Республика Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармаси эса бу жараёнда фаол иштирок этаяпти.

Хусусан, палата кўмагида маҳаллий тадбиркорлар Германия, Хитой, Япония, Туркия, Латвия ва Испания сингари давлатларда бўлиб, ўз ҳамкаслари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, СПП Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

O`zLiDeP
Матбуот хизмати
хабар қилади



**ТОШКЕНТ.** O`zLiDeP шаҳар ҳамда Чилонзор туман кенгашлари ҳамкорлигида Президентимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони юзасидан давра суҳбати ўтказилди.
Унда халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари, партия фаоллари, тадбиркор ва ишбилармонлар қатнашишди. Тадбирда юқоридаги фармоннинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, ундан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, O`zLiDeP Мирзо Улуғбек туман кенгаши саъй-ҳаракати билан ташкил этилган давра суҳбатида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш, ҳисобот-сайлов конференцияларида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр юритилди.



**НАВОИЙ.** Ҳозирги кунда оилавий бизнесни ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги давра суҳбати айнан шу масалага бағишлангани ҳам бежиз эмас. Унда аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёш қизларнинг интилиш ва изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни тадбиркорлик марказига айлантириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилиб, кўпгина амалий таклифлар ўртага ташланди.

**ҚАШҚАДАРЁ.** "Огоҳлик ва ҳушёрлик — давр талаби". O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Деҳқонобод туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежида ўтказилган давра суҳбати ана шундай номланди.
Тадбирда одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм каби иллатлар хусусида сўз юритилиб, жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлоднинг маънавий тарбиясини яхшилаш, улар ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни янада кучайтириш партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланди.

# БАНК ТИЗИМИ

**Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун**

41 (413)-СОН | 2011 йил 13 октябрь, пайшанба | e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com


# Тадбиркорга мададкор

**БУГУНГИ БОЗОР ИТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ РЕСПУБЛИКАМИЗ БАНКЛАРИ ОЛДИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИДИР. АНА ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, «АСАКАБАНК» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЎЗИНИНГ 7 ТА МИНИБАНКИ, 3 ТА МАХСУС КАССАСИ ОРҚАЛИ СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛМОҚДА**

Молия хизматлари бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаб келаётган филиал жамоаси кичик бизнес вакилларининг ишончли ҳамкорига айланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳага миллий валютада 11,6 млрд. сўм кредит йўналтирилиши натижасида жойларда 86 киши доимий иш билан таъминланди. Айни кунда эса банк жамоаси тадбиркорлар билан ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва соддалаштириш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини оширишга интилмоқда.





Жорий йилнинг ўтган даври банк жамоаси учун сермаҳсул келди, деб айтиш мумкин. Хусусан, 1 октябр ҳолатига филиал активлари миқдори 72,6 млрд. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,3 млрд. сўмга ўсди. Мазкур молия муассасасининг кредит портфели эса бу йил 45,6 млрд. сўмни ташкил этганлигини айтиб ўтиш жоиз. Эътиборли жиҳати ана шу маблағнинг 39,8 млрд.сўми узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Албатта, тадбиркорликка қўл уриш осон кечмайди. Унинг ўзига яраша мураккабликлари бор. Буни яхши ҳис этган бухоролик «Асакабанк»чилар тадбиркорларни нафақат молиявий қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг ўз фаолиятини бошлаши учун маслаҳат ва амалий ёрдамдарини ҳам аямаяптилар. Бунинг учун эса банкнинг ҳар бир минибанкида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Юқори малакали мутахассислар жал этилиб, барча зуририй техник воситалар, кўргазмали стенд ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан бойитилган хонада мижозларнинг савол ва муаммолари тез фурсатда ўз ечимини топмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарини самарали молиявий қўллаб –қувватлаш натижасида бугун юртимизда озиқ-овқат сероблиги таъминланган. Бунга ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Бухорода озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тўлдиришда ҳам банкнинг молиявий кўмаги катта бўлаётир. Жорий йилда «Асакабанк» томонидан шу мақсадда 821 млн. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш учун эса 1410,6 млн.сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Айни пайтда ҳаётимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан айри тасаввур этиш қийин албатта. Бухоролик хотин-қизлар орасида ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган ҳамда бунга қўшимча тарзда иш ўринлари очишга ҳисса қўшаётганлар талайгина. Уларнинг кўпчилиги «Асакабанк»нинг Бухоро филиали мижози ҳисобланишади. Бу йил ишбилармон аёлларга 594,6 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Бу эса ўз навбатида уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаол иштирокини таъминламоқда.

Мижозларнинг «Асакабанк»ка бўлган ишончининг тобора ортиб бораётганини аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга кенг жорий этилаётганидан ҳам кўриш мумкин. Хусусан, сақлаш муддати турлича ва фоиз даромадлари юқори бўлган «Тухфа», «Барқарор - 1», «Баҳорги -1», «Сармоя», «Тадбиркор», «Даромадли-1», «Самарали», «Ёшларга», «Талабалар учун», «Файзли-1», «Эҳтиром» каби омонатлар ўзининг қулай шартларига эгалиги билан мижозларга манзур бўлмоқда. Миллий ва хорижий валютадаги аҳоли омонатлари қолдиғи ўтган йил шу даврига нисбатан 8,9 млрд. сўмга ўсиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига 19,6 млрд. сўмни ташкил этди. Омонатчилар сонининг тўхтовсиз ўсиб бораётгани, хизматлар бозорида банкнинг тўғри маркетинг сиёсати юритаётганидан далолатдир.

Электрон савдонинг энг қулай воситаси ҳисобланган пластик карточкалар тобора оммалашиб бормоқда. Унинг афзалликлари барчага бирдек аён. Бугун 37107 бухоролик «Асакабанк» пластик карточкаларидан фойдаланмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 4597 донага ортган. Улар орқали ўтазилган транзакциялар миқдори эса 19,6 млрд.сўмни ташкил этмоқда. Филиал жамоаси пластик карточкаларни муомалага чиқаришни бошлаганидан буён корхона ва ташкилотлар билан иш ҳақи лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Айни пайтда банк томонидан жами 238 дан ортиқ иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 30,1 мингдан зиёд ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали тақдим этилмоқда. Шу билан бир қаторда вилоят ҳудудида 330 та ҳисоб-китоб терминаллари, 322 та савдо ва 8 та касса терминаллари ўрнатилган. Бундан ташқари банкнинг корпоратив пластик карточкаларидан республикамиз бўйлаб кўп хизмат сафарига чиқадиган 40 нафар мижоз фойдаланаяпти.

Қисқа қилиб айтганда, «Асакабанк»нинг Бухоро вилояти филиали жамоаси хизмат сифати ва маданиятини жаҳон талаблари даражасига кўтариб, мижозлар сонини оширишга интилмоқда. Шу боис бор куч ва молиявий имкониятлар ишга солиняпти.

***Банк ахборот хизмати***



# Ишончли ҳамкорлик — ютуқлар кафолати

**ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МУЛКДОРЛАРНИНГ ЎРТА СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУ, ШУБҲАСИЗ, ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАЯПТИ. ИЧКИ БОЗОР МАҲАЛЛИЙ ШАРОИТДА ТАЙЁРЛАНГАН РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРГА ТЎЛИБ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛАЁТИР**

Credit Standard Bank

«Кредит Стандарт банк» ҳам тадбиркорлик тараққиёти йўлида хизмат қилиб келаётган молия институтларидан бири саналади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 11 млрд. 540,7 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи айнан кичик бизнес субъектлари эҳтиёжлари учун йўналтирилганлиги фикримиз далилидир. Шу ҳисобдан саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа хизмати соҳасида салмоқли натижаларга эришилаяпти. Аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондириш учун барча молиявий имкониятлардан фойдаланилмоқда. Мисол учун, шу йилнинг ўзида балиқчиликка 96 млн. сўм кредит сармояси ажратилди. Бозор пештахталарида парҳез гўшт маҳсулотлари кўпайиб бораётган экан, бунда банк жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Айни кунда «Кредит Стандарт банк» кириб бормаган соҳа йўқ, десак, хато бўлмайди. Тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларни олайлик. Жорий йилда уларга ажратилган кредит миқдори 719 млн. сўмга етган. Тадбиркорликни касб этган шижоатли хотин-қизларга банк сармоялари жуда қўл келмоқда.

Маълумки, жойларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш молиявий соҳадаги муҳим вазифалардан биридир. «Кредит Стандарт банк» ҳам бу борада самарали фаолият юритмоқда. Ўтган саккиз ой давомида ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми 13 млрд. 147 млн. сўмга етгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ушбу маблағлар асосан ишлаб чиқаришнинг устувор соҳаларига йўналтирилмоқда. Дейлик, пойтахтимиздаги тиббиёт ампулалари корхонасига 4,6 млрд. сўм сармоя ажратилган. Мазкур лойиҳа амалга ошиб, корхона фойдаланишга топширилгач, 100 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, «Фарғона ёғ-мой» очиқ акциядорлик жамияти ҳам ўз лойиҳасини банкка тақдим этган эди. Лойиҳа атрофлича ўрганиб чиқилиб, корхонага 1,7 млрд. сўм кредит маблағи ажратишга қарор қилинди. Ушбу хайрли тадбирларда банкнинг вилоят филиаллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Кези келганда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимиз ички истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда ўзаро молиявий ҳамкорлик жуда қўл келаётир. Жорий йилда ана шу мақсадлар учун 9 млрд. 586 млн. сўм миқдоридаги кредит сармоялари йўналтирилган. Айни пайтда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Соҳа тараққиёти учун ҳозиргача 10 млрд. 266 млн. сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилди. Зеро, мақсадлар муштараклиги ютуқлар гаровидир.

Дарҳақиқат, молия бозорида қарийб саккиз йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Кредит Стандарт банк» тараққиёт сари шаҳдам одим ташламоқда. Мижозларга юксак талаблар даражасида хизмат кўрсатиш, ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш аҳил жамоанинг эзгу шиорига айланган. Эришилган дастлабки натижалар жорий йил барча соҳалар бўйича муносиб якунланишидан далолат бериб турибди.

# Қулай ва тезкор

Universalbank

**МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА АҲОЛИНИНГ БАНКЛАРГА БЎЛГАН ИШОНЧИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА. ЗЕРО, МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН ХИЗМАТ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЯПТИ**

Пластик карточкалар муомалага киритилганига ҳали унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ушбу «электрон ҳамён» аллақачон кенг омманинг ишончини қозониб улгурди. Жумладан, хусусий очиқ акциядорлик-тижорат «Универсалбанк» томонидан 20 мингга яқин пластик карточка муомалага киритилган бўлиб, жойлардаги 520 дан зиёд терминаллар электрон ҳисоб-китобга «шай». Айни пайтда ушбу замонавий хизматни янада такомиллаштириш, мижозлар учун қулайликлар яратиш чоралари кўрилмоқда. Гавжум жойлар, ташкилот ва корхоналар, мини банклар, махсус кассаларда хизмат кўрсатиш асосан пластик карточкалар орқали ташкил этилаяпти. Бу эса терминаллар тизими босқичма-босқич шаклланаётганидан далолатдир. Ҳозирги кунда 20 га яқин ёнилғи қуйиш шохобчаси, 250 дан ортиқ озиқ-овқат дўкони, 30 дан зиёд умумий овқатланиш корхонаси, 20 та авиакасса, шунингдек, кўплаб дорихона, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш шохобчаларида ҳисоб-китоб жараёни янги тизимга ўтказилган. Бу эса тўловнинг қулай ва замонавий шакли юртимизда тобора оммалашиб бораётганини кўрсатади.


> Эндиликда пластик карточка орқали нафақат йирик шаҳарлар, балки олис туманларда ҳам бемалол ҳисоб-китоб қилиш имконияти мавжуд. У бўлган жойда ҳамёнингиз хавфсизлиги ҳақида ташвишланишга асло ҳожат йўқ. Қолаверса, пластик карточка қимматли вақтингизни тежайдиган муҳим восита ҳамдир.


Эндиликда пластик карточка орқали нафақат йирик шаҳарлар, балки олис туманларда ҳам бемалол ҳисоб-китоб қилиш имконияти мавжуд. У бўлган жойда ҳамёнингиз хавфсизлиги ҳақида ташвишланишга асло ҳожат йўқ. Қолаверса, пластик карточка қимматли вақтингизни тежайдиган муҳим восита ҳамдир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб инфратузилмаси ривожлангани сари хизмат кўрсатиш кўлами кенгаймоқда. «Универсалбанк» жамоаси ҳам бу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, банкнинг Тошкент шаҳар филиали пластик карточкалар бўлими билан савдо-сотиқ ва сервис корхоналари ўртасида харид қилинган товар ёки хизматларга чегирма бериш тўғрисида ўзаро келишувга эришилган. Банк мижозининг хоҳиш-истагига биноан қўшимча карточка чиқариш ҳуқуқига ҳам эга. Бу эса унинг яқинларига карта ҳисоб рақамидаги маблағлардан чекланган миқдорда фойдаланиш имконини беради.

Банк жамоаси янги лойиҳалар устида тинимсиз изланаяпти. Яқинда ушбу молия муассасаси «Visa International» халқаро карталар тизимига аъзо бўлди ва «Visa Classic» карталар эмиссиясини йўлга қўйди. Сармоявий ва интеллектуал имкониятлардан келиб чиқиб, корхона ҳамда ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар учун ойлик иш ҳақи лойиҳалари доирасида кредит карталар эмиссиясини кенгайтириш, мижозлар ва интернет сайтига кирувчиларга реал вақтда интерфаол хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ истиқболли йўналишларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мижозларга давр талаблари асосида сифатли хизмат кўрсатиш банк жамоасининг эзгу мақсадидир. Пластик карточка тизими тобора оммалашаётганлиги ҳам бежиз эмас. Бу эса ўз навбатида муомаладаги нақд пул массасини камайтириш, унинг етишмаслигини бартараф этиш, сармоялар айланишини тезлаштириш, республикамиз банк тизими нуфузини халқаро даражага кўтаришда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

*Саҳифани Н.ТОШЕВ, Ш.НАЗАРОВ ва А.МУЗАФФАРОВ тайёрлади*

**Ҳақиқатан ҳам, дунё бозорида шу пайтга қадар мўл-кўл бўлиб келган дон маҳсулотлари тақчиллигининг пайдо бўлиши истеъмол маҳсулотлари нархининг кескин ошишига сабаб бўлди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида эса озиқ-овқат, айниқса, буғдой ва гуруч баҳосининг муттасил ўсиши барча давлатлар учун бирдек муаммога айланаётганига алоҳида эътибор қаратила бошланди**



**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**

# Навбатдаги синов

## ЖАҲОН ОЗИҚ-ОВҚАТ ДАСТУРИ МАЪЛУМОТЛАРИДА АЙНИ ПАЙТДА ДУНЁНИНГ 80 ТА МАМЛАКАТИДА 73 МИЛЛИОН КИШИ ФАВҚУЛОДДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЁРДАМИГА МУҲТОЖЛИК СЕЗАЁТГАНИ, ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИНИНГ 1 МИЛЛИАРДДАН КЎПРОҒИ ЭСА ОЧ-НАҲОР КУН КЕЧИРАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНАЯПТИ

Шунинг баробарида табиат инжиқликлари, айниқса, иқлим исиши ва сув тошқинлари минглаб гектардаги майдонларни яроқсиз аҳволга келтириб қўйди. Бу нохуш ҳолат заминимиздаги ижтимоий вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Тан олиш керак, ҳар йили дунё бўйлаб минглаб гектар майдонлардаги унумдор ерлар ҳажми камайиб бораяпти. Қурғоқчилик, шўрланиш, чўлланиш ва бошқа қатор омиллар ерларни ўлик чўлларга айлантириш баробарида етиштирилган ҳосилни ҳам йўққа чиқараяпти. Шунинг учун халқаро ташкилотлар икки йил аввалгидек, дон маҳсулотлари нархининг ўсиши борасида ваҳимали баёнотларни тарқата бошладилар. БМТнинг огоҳлантиришича, яқин йилларда озиқ-овқат нархлари, айниқса, гуруч ва шакар нархи 1,5 баробарга қимматлашади. Буни БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти биринчи навбатда ривожланаётган давлатларда аҳоли сони ошиб бораётгани билан, иккинчидан, тобора талаб ошиб бораётган биоёнилғи олишга ружу қўйилаётгани билан изоҳламоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса ривожланаётган давлатларда майда қишлоқ хўжаликлари ва фермерларни рағбатлантириш лозимлиги таъкидланаяпти.

Маълумки, 2010 йилнинг июнидан бери қашшоқлик остонасида кун кечираётган одамлар сони дунёда 44 миллионга кўпайди. АҚШ Давлат Департаменти маълумотларида эса 2007 йилдан 2009 йилгача ер юзида 60 дан ортиқ очлик исёнлари юз бергани тилга олинади. БМТ таҳлилчиларининг маълум қилишларича, нарх-навонинг ўсиб бораётгани ҳаммадан кўра Осиё, Африка ва Жанубий Америкадаги ривожланаётган давлатларга, айниқса, Уганда, Мали, Нигер, Сомали, Қирғизистон, Тожикистон, Гондурас, Гватемала ва Гаитига катта хавф солмоқда. Энг ёмон вазият бир неча йилдан бери ички урушлардан азият чекаётган Сомалида кузатилаётир. Агар фавқулодда ёрдам кўрсатилмаса, мамлакатнинг 750 минг нафар аҳолиси очлик қаршисида қолиши муқаррар. Ваҳоланки, БМТ жорий йилнинг июлидаёқ Сомалини фалокат ҳудуди, деб эълон қилган эди. Чунки очлик мамлакатнинг 8 вилоятидан 6 тасини қамраб олгани шундай хулоса чиқаришга сабаб бўлганди.

Буғдой етказиш масаласида Россия ҳукуматининг четга буғдой сотмаслик ҳақидаги қарори ҳам жаҳон озиқ-овқат бозорларида зудлик билан акс-садо берди. Яъни, дунё буғдой бозорининг маркази бўлган Чикагода ярим асрдан бери биринчи маротаба бир куннинг ўзида нарх-наво 8 фоиз ўсди. Европада эса бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этди. Бироқ Москванинг буғдой экспортига нисбатан чекловларни олиб ташлагани хавотирларни бироз пасайтиргани билан жаҳондаги умумий вазиятга таъсир кўрсатмади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, аҳвол шу тарзда давом этса, 2008 йилги озиқ-овқат инқирози каби дунёнинг турли ҳудудларида очарчилик исёнлари кўпайиши мумкин. Негаки, қурғоқчиликдан улкан талофот кўрган Россия ва Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатлари ортидан Европа Иттифоқи ҳам ҳосил чўғи аввалгидек бўлмаслигини эълон қилди. Шундоқ ҳам қитъа нашрларининг биринчи саҳифаларидан истеъмол бозоридаги эҳтимолий кескинликлардан тортиб озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турлари етишмовчилигигача бўлган бир-биридан ваҳимали хабарлар ўрин ола бошлади. Кузатувчиларнинг фикрича, маҳсулотлар тақчиллиги кузатилмаса-да, нархлар кескин ошиши мумкин. Мана шундай тушкунлик соясида дон бўйича бутунжаҳон кенгаши Европа мамлакатларида ҳосилдорликка етган талофот миқдори ҳақидаги маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, Францияда қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорлик 10, Германияда 20, Италияда 15, Польшада 20 фоизга кам бўлган.

Хуллас, БМТ экспертларининг тахминлари бўйича гуруч, буғдой ва маккажўхори нархларининг ўсиш динамикаси хавотирлидир. Яъни, нархлар ўсиб бораверши баробарида маҳсулотларга бўлган талаб етиштирилган ҳосилга нисбатан ошиб кетаверади. Энг ёмони — дон захиралари, айниқса, буғдой ва гуруч ҳосили сўнгги 10 йилдан бери энг паст даражага тушиб қолди. Воқеликни чуқур ўрганган дунёнинг етакчи иқтисодчилари остонамизда хавф солиб турган жаҳон озиқ-овқат инқирозига сабаб бўлаётган бир неча омилларни тилга олмоқдалар. Улар орасида иқтисодий ва экологик сабаблар алоҳида ажралиб туради. Хусусан, сўнгги 50 йилдан бери қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ўсгани ҳолда агробизнес услубларининг ўзгармай қолиши нафақат майда фермерларга, балки атроф-муҳит ва экологик барқарорликка ҳам мисли кўрилмаган даражада зарба берган. Айни пайтда қишлоқ хўжалигининг келажаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Айниқса, охирги 40 йилдан бери қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда антропоген технологияларнинг қўлланилиши оқибатида (аҳоли сони 2 миллиардга кўпайди) сайёрамиздаги унумдор ерларнинг учдан бир қисми яроқсиз аҳволга келиб қолган.

Шунинг учун ҳам аграр соҳани ислоҳ қилиш, уни замонавий, зарарсиз технологиялар билан таъминлаш барча мамлакатлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки ер аҳолиси сони кун сайин ошиб бораяпти. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг деярли барча мамлакатларида «демографик портлаш» кузатилаяпти. Масалан, 1945 йилда Ер юзи аҳолиси сони 2,5 млрд. нафарни ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу рақам 6,4 млрд.дан ошиб кетди. Яъни, сайёрамиз аҳолиси сони 60 йилда 3,5 млрд. нафарга ўсди.

Тахминларга кўра, 2050 йилга бориб аҳоли асосан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳисобига 1,4 маротаба кўпаяди. Бу эса ўз-ўзидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари унумдорлигини замонавий технологиялар асосида оширишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан ХВЖ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар Осиё ва Африка мамлакатларида озиқ-овқат етишмовчилигига қишлоқ хўжалиги тизимининг эскиргани сабаб бўлмоқда, деган хулосага келдилар.

Воқеликка янада чуқурроқ ёндашсак, қимматчилик ортида бошқа сабаблар борлигига ҳам амин бўламиз. Биринчидан, экин майдонларини суғоришга мўлжалланган сувлар эндиликда кўпроқ саноат ва ўсиб бораётган шаҳарлар аҳолиси эҳтиёжини қондиришга сарфланаяпти. Иккинчидан, Покистон, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлардаги сув тошқинлари ҳосилни буткул нобуд қилди ёки унумдорликни пасайтириб юборди.

Бундай вазиятдан, айниқса, озиқ-овқатнинг асосий қисмини четдан сотиб олувчи давлатлар, хусусан, Африка мамлакатлари қаттиқ жабр кўрмоқда. Мавжуд аҳволни енгиллаштириш учун қитъадаги давлатларнинг ҳукуматлари озиқ-овқат импортини оширишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, бюджетнинг бундай синовларга дош бериши амри маҳол. Маълумотларга кўра, ривожланаётган давлатлар жорий йилда хориждан озиқ-овқат харид қилишга ўтган йилдагига нисбатан 10 фоиз миқдорида кўп маблағ сарфлашга мажбур бўладилар. Бошқача айтганда, озиқ-овқат импорти учун сарфланиши кутилаётган маблағ 400 млрд. долларга етиши мумкин. Агар вазият шу тарзда давом этса, дунёда очлар ва тўқлар ўртасидаги тафовут чуқурлашиб бораверади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, ҳар куни сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликдан 25 минг киши ҳалок бўлмоқда. Агар аср вабоси, дея аталаётган ОИТС хасталигидан кунига 6 минг киши ҳаётдан кўз юмаётганини эътиборга олсак, очарчилик ва қашшоқликнинг кўлами янада яққол намоён бўлади. Мутахассислар ва шарҳловчиларнинг таъкидлашларича, очликда кун кечираётганларнинг аксариятини, яъни 60 фоиздан кўпроғини аёллар, 25 фоизини эса болалар ташкил этмоқда. Бу ҳар 5 сонияда бир гўдак очлик қурбонига айланмоқда, деганидир.

Шарқий Африкада етиштирилган ҳосилнинг камлиги ва турли урушлар оқибатида 15 миллион киши том маънодаги очарчиликка рўбарў келаётир. Узоқ йиллик қарама-қаршилик шундоқ ҳам оғир азобларни бошдан кечираётган Суданнинг миллионлаб фуқаролари тақдирига оид хавотирларни кучайтирмоқда.

Африка жанубида ички нархларнинг юқорилиги, импортнинг ўта паст кўрсаткичлари шундоқ ҳам турли касалликлардан нобуд бўлаётган, ўз даромадларининг 80 фоизини фақатгина озиқ-овқатга сарфлаётган 8,5 миллион фуқаронинг ҳаётини хавф остида қолдиргани ҳақида халқаро жамоатчилик бонг ураётгани бежиз эмас.

Дунёнинг энг қудратли давлати саналган АҚШда ҳам бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовут ошиб бораётгани турли норозиликларни келтириб чиқармоқда. Йирик корпорацияларнинг очкўзлигига қарши жамоатчилик ҳаракати чиқишларининг авж олгани фикримизга мисол бўлиши мумкин. "Уолл Стритни босиб ол" шиори остида Нью-Йоркда бир неча ҳафта аввал нисбатан кичикроқ норозилик акцияларидан бошланган ушбу ҳаракат энди ўнлаб шаҳарларга ҳам ёйилди. Намойишчилар оддий одамлар ҳисобидан бадавлат кишилар чўнтагини тўлдириш имконини бераётган молиявий тизимга нисбатан ўз норозиликларини билдирмоқдалар. Шу ҳафта бошида эса касаба уюшмалари норозилик ҳаракатига қўшилишларини маълум қилишди.

Расмий рухсати бўлмаслигига қарамасдан, Уолл Стритга туташ кўчаларда "Одамлар даромад манбаи эмас" ва "Уруш ўрнига иш жойи ярат" каби шиорлар кўтарган намойишчилар сафига ёшлар, пенсионерлар, талабалар, ишчилар ва ишсизлар ҳам қўшилди. Уларнинг барчаси мавжуд молиявий тизим фақатгина бойлар фойдасига хизмат қилаётганини таъкидламоқдалар.

Бундай норозиликларга Америкада иқтисодий тафовутнинг кенгаяётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки айни пайтда Ғарбдаги энг ривожланган давлатлар орасида бойлар билан камбағаллар ўртасидаги фарқ борасида АҚШ биринчи ўринни эгалламоқда.

Бир сўз билан айтганда, жаҳон ҳамжамияти яна бир жиддий синов остонасида турибди. Бу, албатта, инсониятни ягона хулосага, аввало, тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, ички ва халқаро муносабатларда адолатли, ўзаро манфаатларга асосланган сиёсат юритишга чорламоқда.

Украина ▼

### ЯНГИ ҚОНУННИНГ ЮЛИЯГА АЛОҚАСИ ЙЎҚ

Украина Олий Радаси қатор иқтисодий жиноятлар учун қўлланиладиган жазони енгиллаштирувчи қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди. Бироқ унга мамлакат собиқ бош вазири Юлия Тимошенконинг "газ иши" бўйича жиноий жавобгарликдан халос бўлиши билан боғлиқ тузатишлар киритилмай қолди. Ваҳоланки, мухолифат мамлакат президентидан Тимошенко ишидан жиноят кодексининг 365-моддасини (ҳокимият ва хизмат ваколатларини ошириб юбориш) чиқариб ташлашни назарда тутувчи қўшимчаларни қонун лойиҳасига киритилишини сўраган эдилар. Мазкур тузатишлар маъқулланганида собиқ давлат арбоби суд залининг ўзидаёқ озод этилиши мумкин эди.

Маълумки, регламентга мувофиқ, Украина парламенти Тимошенко иши юзасидан тузатишлар киритиш ҳуқуқига эга.

Эслатиб ўтамиз, 11 октябрда Киев шаҳрининг Печерск туман суди ҳукмига кўра, Ю.Тимошенко етти йилга озодликдан маҳрум этилган. Уни Россия билан табиий газ бўйича 2009 йили имзоланган шартномаларда ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, "Нафтогаз" компаниясига 187 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар келтирганликда айбдор, деб топишди.



АҚШ ▼

### ГАРВАРД ЭНДИ ЧЕМПИОН ЭМАС

Дунёга машҳур университет кейинги 8 йил ичида илк бор сайёранинг энг биринчи илм даргоҳи мақомидан айрилди. Шу тариқа Times Higher Education номли энг нуфузли олий ўқув юртлари рейтингнинг биринчи поғонасини бирмунча ёш ҳамда ўта тор мутахассисликларга мўлжалланган Калифорния Технология институти эгаллади. Гарвард эса ҳатто иккинчи ўринни ҳам Стэнфорд университети билан баҳам кўришга мажбур бўлди. Буюк Британия олий ўқув юртлари орасида эса Оксфорд Кембриждан юқори натижани қўлга киритган.




Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ғ.Омонқуловга отаси **НАЗАРҚУЛ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг Хоразм вилояти Хазорасп туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари— аппарат раҳбари **Муқаддас АЗИЗМЕТОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ғ.Омонқуловга отаси **НАЗАРҚУЛ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ЭЪЛОН ▼

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**«ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ**

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Кўрғонтепа филиалининг буйруғига ҳамда ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Кўрғонтепа филиали бошқарувчисининг 2011 йил 04 октябрдаги 316-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти, Кўрғонтепа тумани, Муқимий кўчаси 100-уйда жойлашган ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Кўрғонтепа филиалига қарашли 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Матиз» русумли давлат белгиси 60 560 JAA бўлган автотранспорт воситаси 11 433 000 (Ўн бир миллион тўрт юз ўттиз уч минг) сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2011 йил 15 ноябрь куни соат 15.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йил 16,17,18,19 ноябрь кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдорида гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МФО: 00074, ИНН: 205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 14.00 га қадар Андижон шаҳар, А.Навоий кўчаси 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.

Савдода қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

**Қўшимча маълумот учун манзилимиз:**
**Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 215-хона**
**Тел: 8(374) 606-88-81, 269-88-81,700-88-81**
Гувоҳнома №00126

# СЎНГГИ САҲИФА



ЯНГИЛИК

## ЎЗБЕКИСТОНГА 3 ТА ЯНГИ РАДИОМЕТЕОЛОКАТОР ОЛИБ КЕЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) мамлакатимиз ҳудудида фавқулодда гидрометеорологик ҳодисаларни оператив усулда аниқлаш имконини берувчи 3 та янги радиометеолокаторни ишга тушираётганини маълум қилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, эски локаторлар яроқсиз аҳволга келганидан сўнг Ўзгидромет томонидан ана шундай ускуналарни сотиб олиш режаси ишлаб чиқилганди.

— 2010 йили Самарқанд, Тошкент ва Нукусдаги станцияларга олиб келинган янги радиометеолокаторларнинг биттаси бундан бир неча ой аввал ишга тушди. Қорақалпоғистон Республикаси ва пойтахтимиздаги станцияларга ўрнатилган ускуналар эса яқин кунларда фойдаланишга топширилади, — деди марказ бош директори ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Аҳамиятлиси, 250 километр узоқликдаги объектларни «кўра оладиган» мазкур локаторлар ёрдамида биз кучли ёмғир ёки қор ёғиши, сел келиши, қумли бўрон ёки тўфонларнинг кўтарилиши, тоғ дарёларининг тошиши каби хавфли ҳодисаларни бартараф этиш имкониятига эга бўламиз. Бу эса қишлоқ хўжалиги, йўлсозлик, авиация ва бошқа соҳалар учун, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлган маълумотлардир.




Ҳадемай олтин кузнинг ярми ортда қолади. Шунга қарамай, кундуз кунлари республикамизнинг аксарият вилоятларида ҳаво ҳароратининг меъёридан бироз кўпроқ қизиши кузатилмоқда. Соҳа мутахассисларининг маълум қилишича, кейинги ҳафтада ҳам мамлакатимизда нисбатан илиқ ҳарорат қайд этилади. Баъзи ҳудудлардагина ҳаво булутланиб, ёмғир ёғади. Жумладан, 13-19 октябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик кузатилмайди. Термометр кўрсаткичлари кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража илиқни кўрсатади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида осмон кунора булут билан қопланиб, ҳаво ҳарорати тунда 11-16, кундузи 23-29 даражани ташкил этади.

Мамлакатимиз жануби — Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳаво ҳарорати кечалари 11-16, кундузлари 23-29 даражадан ошмайди.

Фарғона водийси вилоятларида ҳам ҳафта давомида ҳаво булутланиб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 21-26 даражани ташкил этади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимизда ҳаво ўзгариб туради. Баъзи ҳудудларда 13 ва 19 октябрь кунлари ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси 9-14, кундузи 21-26 даража бўлади.

Республикамизнинг тоғолди минтақаларида ҳаво булутланиб туради. 13-14 октябрь кунлари ёғингарчилик бўлади. Ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 12-17 даражани ташкил этади.

«Бразилия-2014»

## Пхеньяндаги муҳим ғалаба

**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Шимолий кореялик чарм тўп усталарига қарши ўтказилган ўйинда 1:0 ҳисобдаги муҳим ғалабани қўлга киритди. Пхеньяндаги «Янггакдо» стадионида бўлиб ўтган саралаш баҳсидаги ягона голга учрашувнинг 25-дақиқасида терма жамоамиз ҳужумчиси, Жанубий Кореянинг «Сувон» клуби аъзоси Александр Гейнрих муаллифлик қилди. Таъкидлаш жоиз: айни пайтда Осиё қитъасининг йигирма мамлакати салкам уч йилдан сўнг Бразилияда старт оладиган жаҳон чемпионати йўлланмалари учун кураш олиб бормоқда. Гуруҳимиздаги иккинчи учрашувда Тожикистон терма жамоасини қабул қилган япониялик футболчилар йирик — 8:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Шу тариқа Вадим Абрамов шогирдлари сингари етти очко тўплаган кунчиқар юрт вакиллари тўплар нисбати бўйича гуруҳда пешқадам бўлиб олдилар. Эслатиб ўтамиз, ҳал қилувчи — 4-босқичга гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган терма жамоалар йўл олади. Ана шу тарзда сараланган, кейин эса икки гуруҳга бўлинган ўнта жамоанинг тўрттаси ХХ «мундиал»га тўғридан-тўғри чиқса, бешинчи натижа эгаси Жанубий Америка қитъаси вакили билан сўнгги «таклифнома» тақдирини ҳал қилади.**

**Миллий терма жамоамиз навбатдаги учрашувни яна Шимолий кореялик футболчиларга қарши ўтказади. Энди 11 ноябрдаги ўйин Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтади.**





## Ўзбек жанг санъати ўзлигини намоён этди

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУАСИДА ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР, ЁШЛАР ВА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ **20** ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚА БЎЛИБ ЎТДИ

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»

Икки кун давом этган турнирга барча вилоятларимиздан қарийб 700 нафар спортчи ташриф буюрди. Бу мазкур спорт турининг тобора оммалашаётганидан, юртимизда ўзбек жанг санъатининг мавқеи ортиб бораётганидан далолатдир. Кези келганда бундан икки йил аввал ташкил этилган Ўзбек жанг санъати федерацияси қисқа вақт ичида яккакураш турлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллагани, мазкур спорт тури билан шуғулланувчи ҳамюртларимиз халқаро майдонда ҳам улкан ютуқларга эришаётганларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан 2009 йилнинг ноябрь ойида миллий спорт тури, дея эътироф этилган ўзбек жанг санъати хорижлик мутахассисларнинг ҳам эътиборини торта бошлади, — дейди федерация бош мураббийи Сардор Содиқов. — Бугунга келиб буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган қадриятларнинг бир бўлаги — ўзбек жанг санъати билан шуғулланувчилар сони ўттиз мингдан ошди. Ҳар ойда бир марта вилоятларимизда нуфузли мусобақалар ташкил этиш одатга айланди. Ўз навбатида, ўтган даврда ўзбек жанг санъати терма жамоаси аъзолари Хорватия, Италия, Жанубий Корея каби мамлакатларда ўтказилган халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган ҳолда миллий спортимизни дунёга танитаётганларини таъкидлаш мумкин.

Сир эмас, шавкатли бобокалонларимизнинг миллий жанг усуллари азалдан санъат даражасига кўтарилган. Амир Темурнинг кам сонли аскар билан катта қўшинни енггани, Жалолиддин Мангубердининг маҳорати ва жасорати афсона-ю ривоятларга айланган. Кейинги йилларда юртимизда миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун яратиб берилган шароитлар туфайли эса ушбу санъат замонавий спорт турига айлантирилди.

Ушбу спорт турининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда уларнинг бошқа яккакураш турларига ўхшаб қолмаслигига жиддий эътибор қаратилди. Барча техник ҳаракатлар бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тажрибали мутахассислар иштирокида такомиллаштирилди.

Ўзбек жанг санъатида ҳимояланиш ва зарба бериш ҳаракатларининг бир вақтнинг ўзида бажарилиши унинг бошқа яккакураш турларидан устунлигини кўрсатади.

— Ўзбек жанг санъати федерацияси расман 2009 йилда иш бошлаганига қарамай, шу йилнинг ўзида WoMAU — Бутунжаҳон миллий жанг санъатлари уюшмасига аъзо бўлди. 2010 йилда эса миллий спортимизни дунё миқёсида янада оммалаштириш мақсадида W.A.S.C.O — Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти билан ҳамкорлик ўрнатилди, — дейди федерациянинг Тошкент шаҳри бўлими раҳбари Зафарбек Алимбеков. — Айни пайтда спортчиларимиз 400 дан зиёд мураббий ва мутахассислардан яккакураш сирларини ўрганмоқдалар.

Маълумки, Ўзбек жанг санъати — мусобақа, соғломлаштириш, қўл усуллари санъати, темурийлар жанг усули ва жанг курашидан иборат бешта йўналишни ўзида мужассам этган. 2009 йилнинг декабрь ойида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) Ижроия қўмитасининг Ҳиндистонда ўтказилган йиғилишида КХА тизимида ўзбек жанг санъатининг беш йўналишидан бири бўйича Жанг кураши халқаро федерацияси ҳам ташкил этилди.

2010 йилнинг 3-7 июнь кунлари Италияда яккакураш спорт турларининг W.A.S.C.O йўналиши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Қувонарлиси шундаки, унинг дастурига ўзбек жанг санъати ҳам киритилиб, ушбу миллий спортимиз бўйича бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам гиламга чиқдилар. Бундай нуфузли беллашувда илк бор қатнашганига қарамай, полвонларимиз 7 та олтин, 3 та кумуш ва битта бронза медални қўлга киритдилар.

Бор-йўғи икки йил ичида эришилган бундай ютуқларда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш республика марказининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Куни кеча «Ўзбекистон» спорт мажмуасида якунланган мусобақа эса ана шу ҳамкорликнинг навбатдаги самарасидир. Икки кун давомида кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган мамлакат чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни бухоролик спортчилар эгаллаган бўлсалар, бу борадаги иккинчи ва учинчи натижалар Сурхондарё ва Андижон вилоятлари жамоалари томонидан қайд этилди.

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
«XXI ASR» 2012 (8-371) 215-63-80
ижтимоий-сиёсий газетаси
йил учун обуна бошланди
web sayt: www.21asr.uz

Називин®
NYCOMED
оксиметазолин
ДЛЯ НОСОВ И НОСИКОВ

Показания
• Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
• аллергический ринит;
• вазомоторный ринит;
• для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
• для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.





Новый дизайн упаковки Називин

• Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
• Обладает продолжительностью действия до 12 часов
• Производится в Германии

Отпускается без рецепта врача
Ознакомьтесь с инструкцией
Имеются противопоказания.
Перед приемом проконсультироваться с врачом
Мерк КГА Германия для Никомед
Товар сертифицирован

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.

БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
t - Тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 2911. Тираж: 9 296
Баҳоси келишилган нархда
Топширилди – 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
ISSN 2181-497X
Навбатчилар: Т.АБДУРАҲМОНОВ, А.САЙИДАСҚАРОВ.